Тижорий хатларнинг асосий мақсади – одамлар, муассасалар, мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотик муносабатларини бошқариш бўлиб, бунда матндаги мазмун бир маънога эга бўлиши шарт. Расмий матнлар таснифини ишлаб чиқишда ягона мезонга риоя қилиш мушкул иш. Расмий услубнинг турли матнларида турлича ифода топган фарқли услубий белгилари тадқиқотчиларга мазкур

услуганинг кичик турларини аниқлаш имконини берди.

Регламентланган, яъни расмий қолипга солинган хатлар муайян намуна бўйича тузилади (бу нафақат мазмуннинг стандарт жиҳатлари, балки барча қоғоз шакли, реквизитлар таркиби ва бошқа жиҳатларга ҳам тегишли). Регламентланган хат мунтазам иқтисодий-ҳуқуқий вазиятларга оид масалаларни ҳал қилади ва стандарт матн ёки стандарт синтактик тузилмалардан таркиб топган матнлар кўринишида амалга ошади. Бундай стандарт курилмаларга қуйидаги ишора қилувчи иборалар қиради:

муружаат сабабига: Ҳисоб-фактура олинмаганлиги сабабли...; юк кечикканлиги сабабли ҳаволага...; сизнинг даги сўровингизга ҳавола қилиб..., Ўзаро товар етказиб беришлар ҳақидаги баённомага кўра...;

мақсадга: масалани имкон қадар тезроқ ҳал қилиш мақсадида..., Сизнинг сўровингизга жавобан....

Инглиз ва ўзбек тилларида регламентланган хатлар аниқ тузилишга эга ва одатда икки қисмдан иборат бўлади: биринчи, кириш қисмида сабаблар баён этилади: We thank you for your letter of November 11 and would like to inform you that we can deliver all the items required from stock according to the enclosed detailed offer. For the balance we would require three weeks from the date of receiving your confirmation that this arrangement is acceptable.

Бу қисмда жўнатувчининг мақсади кўрсатилади ва ҳаволалар келтирилади, улар асосида баёнотлар билдирилади.

Prices as quoted f.o.b. London...

Delivery as specified above...

Payment against documents...

Хатнинг иккинчи асосий қисмида эса нутқий ҳаракат амалга оширилади: We hope you will find our terms method of payment and delivery dates satisfactory and we can assure that you may count on our full cooperation and immediate attention in this matter.;

Регламентланмаган хатлар расмий-манتيкий ёки одоб юзасидан ёзилган матн шаклида ошадиган муаллифлик матнидан иборат бўлади. Улар одатда ҳикоя элементлари (масаланинг тарихи) одоб рамкаси ва расмий хатнинг мажбурий қисми – нутқий ҳаракатдан иборат бўлади:

Одоб қоидалари: We hope you will find our terms; We thank you or your letter; I look forward to hearing from you; I should be grateful if you would send me information - ташаккур билдирамиз, умид қиламиз, муваффақиятлар тилаймиз, узр сўраймиз ва ҳақозалар;

Тасдиқлар: We confirm - тасдиқлаймиз;

Баёнотлар: I have to say that; I am very happy indeed to do so; I have to say therefore that; I have absolutely no doubts in recommending her to you - аён қиламиз; эълон қиламиз; Сизга маълум қиламиз; ҳабар қиламиз ва бошқалар;

Талаблар, илтимослар: I do hope that the foregoing is of help and if I can assist further please do not hesitate to contact me -буюрман, талаб қиламиз, сўрайман, Сизга илтимос, ...билан муружаат қиламиз;

Ваъдалар: we guarantee – кафолат берамиз; we assure – ишонтирамиз; we take the responsibility of - мажбуриятни зиммамизга оламиз;

Эслатмалар: we remind – эслатамиз; we want to remind – эслатиб қўймоқчимиз; we have to remind – эслатишга мажбурмиз ва ҳ. к.

Таклифлар: we offer – таклиф қиламиз.

Ҳужжатлар тилининг яна нутқ одобига доир бир қатор хусусиятлари устида тўхталиб ўтиш лозим. Шулардан бири имловий бўлиб у олмошлар атоқли отлар амалдор шахслар исм шарифларнинг бош ҳарфларда ёзилиши ҳурмат маъносини англатиши бўлса иккинчиси – ҳужжат матнини тузишда қатнашадиган шахсни танилаш билан боғлиқ. Учинчи шахс номидан ташкилот номидан баён этишда шахсга ишора қилинмайди. Камдан кам ҳолларда расмий ҳужжатлар фақат биринчи шахс номидан ҳам тузилиши мумкин. Расмий стиль лексикаси атама сўзлар ва сўз бирикмалари (одамларнинг расмий муносабатларда бевосита вазифасига кўра номлари ҳужжат ва уларнинг қисмлари номлари) тор ихтисосликларга оид сўз ва ибораларни ўз ичига олади. Ёзма расмий нутқда биз ёки сиз олмошларини қўлланишда ўзига хос талаблар мавжуд. Улар хизматга доир ёзишмаларда ҳолис мазмунни нейтрал оҳангда баён этишини талаб этади ундаги ўзаро муносабатнинг расмий ва дўстоналигини ифодалашга хизмат қилади. Тижорий фаолияти бир томондан амалий фаолият соҳаси ҳисобланадигани унинг доирасида юқорида санаб ўтилган вазифалар ҳал қилинади. Бошқа томондан у савдо битимларини самарали амалга ошириш мақсадида товар айланиши мумомаласи соҳасида тижорий жараёнларни ташкил этишни ўрганувчи мустақил билимлар соҳаси илмий ва ўқув фани ҳисобланади. Тижорий нутқнинг асосий яна бир хусусияти шундаки баён шакли ахборотнинг характериға боғлиқ. Ҳужжат қайта ишлаш ва етказишга мўлжалланган ахборотнинг моддий ташувчисидир. Унинг ҳар қандай кўринишида расмий мулоқотда керак бўладиган андозавий бирликлар иборалардан фойдаланилади. Ҳужжатлар тили қонунлар тили каби энг аввало аниқликни талаб этади ва ҳеч қандай чалкашликларга асло йўл қўймайди.

Ҳар қандай тижорий хат нутқий бўлиб, у борлиқнинг маълум бўлаги бўлмиш бирор бир нутқий вазиятни ўзига хос равишда ифодалашга хизмат қилади. У бир неча қисмларини ўз ичига олган маълум мавзунни ўзида мужассам этади. Тижорий хатларнинг лисоний хусусиятлари, яъни лексикаси синтаксиси ва стилистикаси унинг тил билан боғлиқ жиҳатларини ташкил этади. Ўзбек ва инглиз тилидаги тижорий хатларда лексик ва синтактик воситаларнинг турли тизимлари ишга солинади. Улар бу нутқий асарларнинг ўзига хос

жанр хусусиятларини белгилайди ва адресатга самарали таъсир ўтказишга хизмат қилади.

Шундай қилиб инглиз ва ўзбек тилларидаги расмий матнлардаги ўзига хос ифода воситаларини талаб этувчи императивлилик хусусияти ҳам уларнинг энг муҳим компонентларидан ҳисобланади. Ҳар қандай мулоқот маълум стиль доираси миқёсида амалга оширилади. Расмий мулоқот асосида расмий-идоравий услубий нутқ ётади. Бу услубдан маъмурий – ҳуқуқий фаолият соҳасида фойдаланиладива у турли хилдаги матнларда – давлат ҳужжатлари

кунунлари халқаро ҳужжатлар ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги ёзишмалврида қўлланилади. Уларнинг фикрларига кўра, нутқ одоби воситалари мулоқотнинг самарадорлиги учун зарур ҳисоблансада бироқ коммуникантлар ўртасидаги мулоқотнинг муваффақиятини белгилаб бера олмайди. Бу лисоний лаёқат билан индивидга хос нутқда ўз аксини топган билиш моделларидан ва кокрет тил ва ундан фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимлардан таркиб топган нутқий қобилиятдан фаркли томонларини аниқлаш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Грайс Г.П. Логика и речевой общение. Новое в зарубежной лингвистике.- М 1985 –С.222
2. Зернецкий П. В. Единство речевой деятельности в диалогическом дискурсе.Языковое общение : единицы и регулятивы: Сб. науч тр.-Калинин 1987 –С. 89-95.
3. Кузнецов В. Г. Функциональные стили современного французского языка.- М. 1991-С.14.
4. Тешабаева Д.М. Речевой этикет делового письма : Автореф ... канд. Филол.наук. –Ташкент 2000-19 с.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати . 1-Том –Ташкент Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2006.- Б.33-34.



Барно ҚОДИРОВА,
Самарқанд давлат университети катта ўқитувчиси
E-mail: kodirova.b86@gmail.com

COMPARATIVE-TYPOLOGICAL ANALYSIS OF PHONETIC TERMS (ON THE BASIS OF UZBEK AND KAZAKH SCHOOL TEXTBOOKS)

Abstract

On given scientific article is analysed with comparative-typological method phonetic terms on the basis of school textbooks which published of during independence years in the Uzbek and Kazakh languages. On the article is disassembled the description public and concordant, the syllable, accents, distinction, similarity and phonetic terms in which meets in two languages. In particular, all sounds which pronounced by mankind is called as terms speech sounds on Uzbek and language speeches on Kazakh. Communications by it here phonetic terms will explain the description with some distinctions.

Key words: Term, comparative-typological, phonetics, sounds of speech, language speech, public and concordant sounds, дыбыстар, жуан дауысты, жіңішке дауысты, ашық дауысты.

СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФОНЕТИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ (НА ОСНОВЕ УЗБЕКСКИХ И КАЗАХСКИХ ШКОЛЬНЫХ УЧЕБНИКОВ)

Аннотация

На данном научном статье анализирован сравнительно-типологическим методом фонетические термины на основе школьных учебниках которую опубликован в годы независимости на узбекском и казахском языках. На статье разобран описание гласный и согласный, слог, ударения, различие, схожесть и фонетический термины в которую встречается в двух языков. В частности, все звуки которую произносятся человечеством называется терминами звуки речи на узбекском и речи языка на казахском. Связи этим здесь описание фонетический термины разъяснят с некотором различиями. **Ключевые слова:** термин, сравнительно-типологический, фонетика, звуки речи, речи языка, гласный и согласный звуки, дыбыстар, жуан дауысты, жіңішке дауысты, ашық дауысты.

ФОНЕТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ (ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ АСОСИДА)

Аннотация

Ушбу илмий мақолада фонетикага доир терминлар мустақиллик йилларида ўзбек ва қозоқ тилларида нашр этилган мактаб дарсликлари асосида қиёсий таҳлил этилган. Бунда унли ва ундошлар таснифига оид, бўғин ва урғуга ҳамда фонетик ҳодисаларга оид терминлар ва уларнинг изоҳи, шунингдек, қиёсланаётган терминларнинг ҳар икки тил учун хос бўлган ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган. Жумладан, инсонлар томонидан талаффуз қилинадиган барча товушлар ўзбек тилида нутқ товушлари, қозоқ тилида эса тил товушлари термини билан юритилади. Шунинг учун фонетика терминига берилган таърифларда ҳам айрим фарқлар мавжудлиги изоҳланган.

Калит сўзлар: термин, қиёсий-типология, фонетика, нутқ товушлари, тил товушлари, унли ва ундош товуш, дыбыстар, жуан дауысты, жіңішке дауысты, ашық дауысты.

Қириш. Маълумки, ҳозирги давр тилшунослигида жаҳон тилларининг ўхшаш ва фарқли аломатларини ўрганиш “тиллар типологияси” номи билан юритилади. Икки ёки ундан ортиқ қариндош ёки қариндош бўлмаган ҳар хил тизимдаги тилларнинг айрим хусусиятларини қиёсий типология ўрганади. Шунинг учун тилларнинг қиёсий-типологик хусусиятларини бир тил оиласига мансуб қардош тилли гуруҳлар ўртасида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, узок тарихий ривожланиш илдизларига эга бўлган ўзбек ва қозоқ тилларининг тилшунослик терминларини қиёсий ўрганиш бугунги кун нуқтаи назари билан қараганда долзарб аҳамиятга эга. Ҳар икки тил

қурилиши қонуниятлари таҳлили шуни кўрсатадики, тилшунослик терминларининг берилиши ва унинг хусусиятлари ўзига хос характерга эга. Масалан, тадқиқот объекти сифатида танланган мактаб дарсликларида ҳам фонетик терминларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини кузатиш мумкин.

Асосий қисм. Тилшунослик терминлари тизимида ўзбек ёки қозоқ тилларида бўлишидан қатъий назар синонимия ҳодисалари кузатилади. Масалан, товуш – ўзбек, дыбыстар – қозоқ. Товуш – изоҳ: “Оғзаки нутқнинг энг кичик, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган қисми нутқ товуши дейилади” [1]. Дыбыстар – изоҳ: “Тил дыбыстары сөйлеу мүшелері арқылы жасалады. Адамның тілі –

дыбыстық тіл” [2]. Ҳарф – ўзбек, эрип – қозок. Ҳарф – изоҳ: “Товушларнинг ёзувдаги ифодаси” [1]. Эрип – изоҳ: “Дыбыстың жазудағы таңбасы” [2]. Унли товуш – ўзбек, дауысты дыбыстар – қозок. Унли товуш – изоҳ: “Ўпқадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай чиқиши натижасида ҳосил бўлади” [1]. Дауысты дыбыстар – изоҳ: “Айтылу кезинде ауаның кедергіге ұшырамай шығуынан жасалған дыбыстар” [2].

Она тили дарслигида фонетикага оид терминлар “Фонетика” бўлимига таъриф бериш билан бошланган: “Оғзаки нутқнинг товуш тизимини ўрганадиган тилшунослик бўлими фонетика дейилади” [1]. Сўнг оғзаки ва ёзма нутқ, нутқ товуши ва ҳарфларнинг таърифи, фарқли хусусиятлари, маъно фарқлаш вазифаси ва ҳарфий бирикманинг ҳосил бўлиши ҳамда унли ва ундош товушлар каби терминлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Унда фақат унли товушларнинг таърифи, ундош товушларнинг эса таърифи ва турли хусусиятларига кўра турлари, масалан, қайси нутқ аъзоси иштирок этишига кўра лаб товушлари: лаб-лаб (б, п, м) ва лаб-тиш товушлари (в, ф); Тил товушлари: тил олди (т, л, с, з, д, ш, ч, ж, дж, н, р), тил ўрта (й), тил орқа (г, к, нг), чуқур тил орқа товушлари (қ, ғ, х); Бўғиз товуши (х); Бурун товушлари (м, н, нг) ҳамда товуш пайчасининг ҳаракати ва ҳолати натижасида ҳосил бўладиган шовқин ва овоз иштирокига кўра жарангли ундошлар (б, в, з, г, д, ж, ғ, дж, й, л, м, н, нг, р), жарангсиз ундошлар (п, ф, с, к, т, ч, х, ш, х, қ) каби терминлар баён этилган.

Ундошларнинг ҳосил бўлиш усулига кўра яна бир тури портловчи, сирғалувчи ва портловчи-сирғалувчи ундошлар термини дарсликнинг 133-дарси “Ж, ж ҳарфи ва ж, дж товушлари”, шунингдек, 137-дарси “Ш, ш ва Ч, ч ҳарфлар бирикмалари ҳамда уларнинг вазифалари” мавзуларида ж, дж, ш, ч товушларига берилган таърифларда тилга олинган: “Ж, ж ҳарфи жўжа, жажжи каби сўзларда тил олди, портловчи, жарангли товушни ифодалайди. Журнал, жирафа каби сўзларда эса тил олди, сирғалувчи, жарангли товушни ифодалаш учун қўлланилади” [1], “Ш, ш ҳарфлар бирикмаси битта тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундошни ифодалайди; Ч, ч ҳарфлар бирикмаси битта тил олди, портловчи, жарангсиз ундошни ифодалайди” [1] тарзида ифодаланган. Бўлимнинг сўнггида бўғин ва унинг турлари (очик ва ёпик бўғин), урғу ва унинг турлари (сўз урғуси ва гап урғуси), товушларнинг орттирилиши ва тушиб қолиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Қазақ тілі” дасрлигида эса фонетикага тил товушларининг тузилишини ҳамда тил товушларининг ясалиши, айтилиши, эшитилиши ва бўғин, урғу, уйғунлашиш масалаларини ўрганувчи бўлим сифатида таъриф берилган [2]. Сўнг тил товушлари ҳақида маълумот келтирилган: “Тіл дыбыстары сөйлеу мүшелері арқылы жасалады. Сөйлеу мүшелеріне өкпе, дауыс шымылдығы, ауыз қуысы, мұрын қуысы, тандай, тіл, ерін жатады. Эр

дыбыстың жасалуына сөйлеу мүшелерінің қатысы да әр түрлі. Соған орай тілдегі дыбыстар да әр түрлі болады” [2].

Ушбу дасрликда тил товушларининг уч хил, яъни сапалық сипаты, сандық сипаты, орын тәртібінде хусусиятлари ифода этилган. Шунингдек, унли ва ундош товушлар ҳамда уларнинг турлари: Жуан дауысты, жіңішке дауысты, ашық дауысты, қысаң дауысты, еріндік дауысты, езулік дауысты; Қатаң дауыссыз, ұяң дауыссыз, үнді дауыссыз каби терминлар изоҳланган. Қосарлы дауыссыз, айыру (ь) белгісі, жіңішкелік (ь) белгісі, буын, ашық буын, тұйық буын, бітеу буын, екпін, сөз екпін, ой екпін, тіркес екпін, дыбыс екпін, үндестік заңы, буын үндестігі, дыбыс үндестігі, ілгерінді ықпал, кейинги ықпал сингари терминлар ҳақида маълумотлар берилган.

Ҳар иккала мактаб дарслигидаги фонетик терминлар қиёсланганда куйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқланди:

Инсонлар томонидан талаффуз қилинадиган барча товушлар ўзбек тилида нутқ товушлари, қозок тилида эса тил товушлари термини билан юритилади. Шунинг учун фонетика терминига берилган таърифларда ҳам айрим фарқлар мавжуд. Қиёсланган: “Оғзаки нутқнинг товуш тизимини ўрганадиган тилшунослик бўлими фонетика дейилади”. “Фонетика – тіл дыбыстарының құрылымын зерттейтін сала” [2].

Ўзбек тилида нутқ товушларининг муҳим хусусиятларидан бири сўзларнинг маъноларини фарқлаш [1] бўлса, қозок тилидаги тил товушларининг сапалық сипаты (тас, жас, қас), сандық сипаты (бала, ала, ал), орын тәртібінде (тас-сат, қас-сақ) каби уч хусусияти кўрсатилган.

Ўзбек ва қозок тилларида унли товушларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари мавжуд. Дарсликлардаги унлилар таснифига оид терминларни қиёсласак, “Ona tili” дарслигида унлилар таснифи берилмаган. “Қазақ тілі” дарслигида эса батафсил ёритилган. Лекин ўзбек тилидаги бир қатор келтирилган тилшуносликка оид адабиётларда берилган унлилар таснифига асослансак [3], унли товушлар тилнинг горизонтал ҳолатига кўра тил олди унлилари (и, э, а), тил орқа унлилари (у, ў, о) га бўлиб ўрганилади. Қозок тилида ҳам унли товушлар тилнинг иштирокига кўра жуан дауысты (а, о, ұ, ы, (у)) ва жіңішке дауысты (ә, е, ү, і, ө, э, и, (у)) унлиларга бўлинади. Қозок тилидаги жуан дауысты (йўғон унлилар) ўзбек тилидаги тил орқа унлиларига ва жіңішке дауысты (ингичка унлилар) тил олди унлиларига тўғри келади. Қиёслаймиз:

Тил орқа унлилари – ўзбек, жуан дауысты – қозок. Тил орқа унлилари – изоҳ: “Тил орқа қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган унлилар” [4]. Жуан дауысты - изоҳ: “Жуан дауыстыларды айтқанда, тілдің ұшы кейін қарай тартылады да үсті сәл көтеріледі. Осы себептен жуан дауыстылар кейді тіл арты дауыстылары деп те аталады” [2].

Тил олди унлилари – ўзбек, жиңишке дауысты – козоқ. Тил олди унлилари – изоҳ: “Тил олди қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган унлилар”. Жиңишке дауысты – изоҳ: “Жиңишке дауысты дыбыстарды айтқанда тил ұшы сэл илгері қарай созылады да, үсті сэл төмендейді. Осы себептен жиңишке дауыстылар кейді тил алды дауыстылары деп те аталады” [2]. Демак, турли терминлар билан айтылаётган бу сўзлар айнан бир тушунчани, яъни тилнинг кўтарилиш даражасини ифодалаш учун хизмат қилади.

Икки тилда ҳам унлилар лабларнинг иштирок этиш ёки этмаслигига кўра лабланган ва лабланмаган унлиларга бўлиб тасниф қилинади. Масалан, лабланган унлилар – ўзбек, еріндік дауыстылар – козоқ. Лабланган унлилар – изоҳ: “Талаффузида асосан лаблар иштирок этиб, лабларнинг олдинга чўзилишидан ҳосил бўлади”. Еріндік дауыстылар – изоҳ: “Еріндік дауыстыларды айтқанда, ерін сўйрленіп, илгері қарай созылады” [2].

Лабланмаган унлилар – ўзбек, езулик дауыстылар – козоқ. Лабланмаган унлилар – изоҳ: “Ҳосил бўлишида лабнинг ҳаракати иштирок этмайдиган унлилар”. Езулик дауыстылар – изоҳ: “Езулик дауыстыларды айтқанда, езу тартылып, ерін кейін қарай жиырылады”, яъни талаффузида лаблар бир-бирига қўшилмайди, ораси очик ҳолда бўлади, лаб орқага тортилади [2].

Туркий тилларда унлиларнинг энг муҳим фарқловчи белгиларидан бири кенглик ва торлик, яъни оғизнинг очилиш даражасига хос белгидир [5]. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилида унли товушлар оғизнинг очилиш даражасига кўра учта термин (юқори тор унли: и, у, ўрта кенг унли: е, ў, куйи кенг унли: а, о [6]) билан аталса, козоқ тилида эса улар иккита термин (ашық дауыстылар: а, ә, о, ө, э; қысан дауыстылар: ы, і, и, ұ, ү, у) билан юритилади. Бу ерда ўрта кенг унлиси деб юритилувчи терминнинг козоқ тили дарслигида эквиваленти учрамайди.

Дарсликлардаги ундош товушлар ва дауыссыз дыбыстар терминлари мазмун-моҳияти билан бир маънони билдиради.

Қайси нуқ азоси иштирок этишига кўра ва пайдо бўлиш усулига кўра ҳосил бўладиган куйидаги ўзбекча терминлар “Қазақ тілі” дарслигида учрамайди: Лаб товушлари: лаб-лаб ва лаб-тиш товушлари; Тил товушлари: тил олди, тил ўрта, тил орқа, чуқур тил орқа ундош товушлари; Бўғиз товуши; Бурун товушлари; Портловчи, сирғалувчи ва портловчи-сирғалувчи ундошлар. Ундошлар ўзбек тилида овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангли (б, в, г, д, й, ж, дж, з, м, н, нг, л, р, ғ) ва жарангсиз ундошлар (п, к, т, ф, ч, с, ш, қ, х, х), козоқ тилида эса қатаң (жарангсиз) дауыссыз (п, ф, к, к, т, с, ш, ц, х, ч, ц), ұяң (жарангли) дауыссыз (б, в, г, ғ, ж, з, д, һ), үнді (сонор) дауыссыз (р, л, м, н, нг, й, у) каби терминлар билан юритилади.

Ўзбек тилида сонор термини мавжуд, бироқ ундошларнинг бошқа таснифида берилган, яъни ундош товушларнинг баъзисиди овоз кўп бўлса,

баъзи ундошда шовқин кўп бўлади. Ана шу хусусиятига кўра ундошлар сонор (м, н, нг, л, р) ва шовқинли (б, в, г, д, й, ж, дж, з, к, п, с, т, ф, х, ч, ш, қ, х, ғ) турларга бўлинади.

“Она тили” дарслигида бўғинлар иккита термин билан номланган: очик бўғин ва ёпиқ бўғин. Унли билан тугаган бўғин очик, ундош билан тугаган бўғин эса ёпиқ бўғин ҳисобланади. Масалан, о-на, бо-ла сўзларидаги ҳар икки бўғин очик, тош-лар сўзидаги ҳар икки бўғин ёпиқ бўғиндир.

“Қазақ тілі” дарслигининг “буынның түрлері” қисмида таъкидланишича, унли ва ундошларнинг ўзаро алмашиб келишига кўра козоқ тилида бўғинлар учта термин билан юритилади: ашық буын, (очик бўғин), тўйық буын (туйиқ бўғин), бігеу буын (битик бўғин). Биргина унлидан ва ундош товушдан бошланиб, унли товуш билан тугаган бўғин очик бўғин дейилади. М: а-на, а-та. Унли товушдан бошланиб, ундош товуш билан тугаган бўғин туйиқ бўғин дейилади. М: ақ, өң, ат, із, ай. Ундош товушдан бошланиб, ундош товушга тугаган бўғин битик бўғин дейилади. М: жең, қол, моншақ. Битик бўғин тўртта ҳарфдан ясаилиши ҳам мумкин. Унда охирги икки ҳарф ундош бўлиб, унинг охиргиси қатанг ундош бўлиб, олдингиси унди ундош товушдан иборат бўлади. Масалан: қант, бұлт, төрт, сырт. Кўринадики, козоқ тили бўғинлари таснифида келтирилган “тўйық буын” термини англатган маънони ифодаловчи эквивалент ўзбек тилида учрамайди. Шунингдек, урғу билан боғлиқ айрим терминларда ҳам фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, урғу – ўзбек, екпін – козоқ. Урғу – изоҳ: “Сўз бўғинларидан ёки гапда иштирок этаётган сўзлардан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ талаффуз қилинишидир”. Екпін - изоҳ: “Гапириб турган пайтда бир сўз бошқа сўзларга, бир бўғин бошқа бўғинларга, бир товуш бошқа товушларга нисбатан баланд овозда айтилишидир”. Ўзбек тилида урғунинг икки тури (сўз урғуси, гап урғуси ёки мантқиқий урғу), козоқ тилида эса тўрт тури (сөз екпінни (сўз урғуси), ой екпінни (мантқиқий урғу), тіркес екпінни (бириқма урғуси), дыбыс екпінни (товуш урғуси) фарқланади. Кўрииб турибдики, козоқ тилидаги тіркес екпінни, дыбыс екпінни термини ўзбек тилида мавжуд эмас.

Солиштирилаётган фонетик терминларнинг яна бир фарқли жиҳати шундаки, “Қазақ тілі” дарслигида фонетик қонуният асосида юз берадиган ўзгаришлар ва уларни ифодаловчи терминлар ҳам келтирилган. Жумладан, үндестік заңы - уйғунлашиш қонунияти мавзуси берилган бўлиб, унда буын үндестігі (бўғин уйғунлашиши), дыбыс үндестігі (товуш уйғунлашиши), илгерінді ықпал (илгари таъсир), кейінді ықпал (кейинга таъсир) терминлари мисоллар асосида ёритиб берилган. Тилдаги бу ҳодиса “Она тили” дарслигида махсус ёритилмаган. Лекин Ҳ.Жамолхоновнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобига асосланиб фонетик ҳодисаларни киёсласак, козоқ тилида асос билан кўшимчанинг ёки сўзларнинг орасидаги товуш-

ларнинг бир-бирига таъсир қилиб, ўзаро уйғунлашиши үндестік заңы термини билан юритилади. Ўзбек тилида эса бир хил категориядаги товушларнинг (масалан, ундош билан ундошнинг) ўзаро мослашуви ассимиляция термини билан аталган. Бундай мослашувнинг куйидаги турлари бор:

а) прогрессив ассимиляция — олдинги товушнинг кейинги товушни ўзига мослаштириши: кетди>кетти (тд>тт), экган>эккан (кг>кк) каби;

б) регрессив ассимиляция. Кейинги товушнинг олдинга товушни ўзига мослаштириши: тузсиз>туссиз (зс>сс), бирта>битта (рт>тт) каби;

в) тўлиқ ассимиляция. Бунда кучли ва кучсиз позициядаги товушлар бир-бирига айнан мослашади (улар ўртасида нейтраллашув содир бўлади): нонвой>новвой (нв>вв), теракга>терацца (кг>кк) каби;

г) тўлиқсиз ассимиляция. Бунда кучли ва кучсиз позициядаги товушлар бир-бирига қисман мослашади: танбур>тамбур(нб>мб), шанба>шамба (нб>мб) каби. Бу сўзларда "н" (тил-тиш ундоши) лаб-лаб "б"га фақат артикуляция ўрни жиҳатдан мослашган (лаб-лаб "м" га ўтган), аммо бошқа белгилари мослашмаган. Қиёс килинг: "м"-сонор, "б"-шовкинли; "м"- юмуқ фокусли бурун товуши (назал товуш), "б"- соф портловчи каби;

д) контакт ассимиляция - кетма-кет жойлашган товушларнинг ўзаро мослашуви (қаранг: юқоридаги мисоллар);

е) дистант ассимиляция - сўз таркибида бир-биридан узоқроқда жойлашган товушларнинг ўзаро мослашуви: сичқон>чичқон, соч>чоч каби.

Ўзбек тилида ўзак билан аффиксдаги унлилар ассимиляцияси ҳам учрайди. Ассимиляциянинг бу тури сингармонизм (унлилар уйғунлашуви) деб ҳам номланади. Бунда унлиларнинг уйғунлашуви лаб гармонияси ва тил гармонияси (лингвал гармония) шаклида намоён бўлади. Масалан: келди – “э” (олд

катор), “и” (олд катор). Бунда ўзак ва аффикслар таркибидаги ҳар иккала унли олд қатордир (тил гармонияси); қолди - "о" (орқа қатор), “и” (орқа қатор). Бунда аффиксдаги олд қатор “и” ўзакдагн орқа қатор "о"га мослашган - "и"нинг орқа қатор оттенкаси юзага келган (бу ҳам тил гармонияси ҳисобланади); лаб гармонияси кўпроқ шеваларда учрайди: ўғлим (адабий тилда) – улум (кипчок лаҳжаси шеваларида), кўзим (адабий тилда) - кўзум (қозум: кипчок лаҳжасида). Бунда ўзак ва кўшимчалардаги унлиларнинг лабланиш жиҳатдан мослашуви содир бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ассимиляциянинг бу тури деярли учрамайди [4].

Қозок тилидаги буын үндестігі (бўғин уйғунлашиши)да сўзнинг асосидаги унли товуш кўшимчаларнинг йўғон ёки ингичка унли бўлишига асосланади. Демак, буын үндестігі терминини ўзбек тилига сингармонизм термини билан таржима қилиш мумкин.

Ундошлар бир-бирига таъсир қилиб, ўзаро уйғунлашиши дыбыс үндестігі дейилади ва бу ходисанинг икки тури сифатида илгеринди ықпал (асос билан кўшимчанинг ёки сўзларнинг оралиғидаги товушларнинг олдингиси кейингисига таъсир қилиб, ўзига ўхшатиши), кейинди ықпал (асос билан кўшимчанинг ёки сўзларнинг оралиғидаги товушларнинг кейингиси олдингисига таъсир қилиб, ўзига ўхшатиши) терминлари ишлатилган. Кўриниб турибдики, қозок тилидаги ушбу терминлар ўзбек тилидаги прогрессив ассимиляция ва регрессив ассимиляция терминларига тўғри келади.

Хулоса. Таҳлилга тортилган ҳар иккала дарслик ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг бешинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлса-да, уларда мавзуни камраб олиш, лисоний ходисалар моҳиятини очиб бериш ва тушунтиришда ўхшаш томонлар қатори фарқли хусусиятлар ҳам кўрсатилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo'raboyeva Z. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan 4-nashri. – Toshkent: Ma'naviyat, 2015.
2. Байқаблов У., Нишанова Г., Темирбаева М. Қазаы тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердін 5-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: O'zbekiston, 2015.
3. Бу ҳақда қаранг: Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм. Фонетика, лексикология, морфология. – Тошкент, Фан, 1966.; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм. – Тошкент, Ўқитувчи, 1980; Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. – Тошкент, Фан, 1981; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.; Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент, Фан, 2009.
4. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009.
5. Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Ленинград: Наука, 1970.
6. Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013.



Malika MANSUROVA,
Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti
E-mail: malikam@mail.ru

MUXTOR AVEZOVNING IJODKOR OBRAZINI YARATISH MAHORATI

Annotatsiya

Ushbu maqolada qozoq yozuvchisi Muxtor Avezovning "Abay yo'li" roman-epopeyasidagi qozoq ma'rifatparvar adibi hisoblangan Abay obrazini yaratish tamoyillari, ijodkor obrazini yaratishda erishgan yutuqlari tahlil qilingan. Asosiy qahramon bo'lgan Abay obrazining jadid adiblari bilan o'xshash va mushtarak jihatlariga e'tibor qaratilib, shu xususida nazariy fikrlar bildirilgan.

Kalit so'zlar: biografik roman, roman-epopeya, ijodkor obrazi, qozoq adabiyoti, jadid ma'rifatparvarlari, tarixiy haqiqat, badiiy talqin.

УМЕНИЕ СОЗДАВАТЬ ТВОРЧЕСКИЙ ОБРАЗ МУХТАРА АВЕЗОВА

Аннотация

В данной статье анализируются принципы создания образа казахского просвещенного писателя Абая в романе-эпопее казахского писателя Мухтара Аvezова «Путь Абая», его достижения в создании творческого образа. Акцент делается на сходство и общность образа Абая, главного героя, с писателями-джадидами, и теоретические взгляды выражаются в этом отношении.

Ключевые слова: биографический роман, роман-эпопея, творческий образ, казахская литература, просветители джадидами, историческая правда, художественная интерпретация.

THE SKILL OF CREATING A CREATIVE IMAGE OF MUKHTAR AVEZOV

Annotation

This article analyzes the principles of creating the image of Abay, a Kazakh enlightened writer, in the novel-epic "The Way of Abay" by Kazakh writer Mukhtar Avezov, his achievements in creating a creative image. Emphasis is placed on the similarities and commonalities of the image of Abay, the main protagonist, with the Jadid writers, and theoretical views are expressed in this regard.

Key words: biographical novel, novel-epic, creative image, Kazakh literature, jadid enlighteners, historical truth, artistic interpretation.

Adabiyot tarixiga nazar tashlar ekanmiz, qanchada-qancha buyuk siymolar o'tganligini va ular tarix bilan adabiyotning muhim hamda ajralmas bo'lagiga aylanganligini guvohi bo'lamiz. Ularning ijod namunalari, bosib o'tgan hayot yo'llari bugungi avlod uchun ulkan hayot maktabidir. Mana shunday so'z ustalaridan biri qozoq xalqining jonkuyar ijodkori hisoblangan Abay (Ibrohim) Qo'nonboyevdir. "Abay ijodini Serik Kiraboyev, Zaki Axmetov, Xang'ali Suyunshaliyev, Mekentas Mirzaxmetov, Jumag'ali Ismag'ulov, G'arifullo Yesim, Ualixan Qalijanov, Qayim Muxamedxanov, Rabig'a Sizdiqova kabi qator yirik adabiyotshunos olimlar chuqur tahlil qilib, yirik ilmiy-tadqiqot va monografik asarlar yaratganlar" [1]. Shunday bo'lishiga qaramasdan "Abayning jahon miqyosida keng tanilishiga mashhur qozoq yozuvchisi Muxtor Avezovning "Abay yo'li" nomli to'rt jilddan iborat roman-epopeyasining roli juda katta bo'ldi" [2]. Chunki ilmiy asarlarning kitobxonlari ma'lum soha vakillari bo'lsa, badiiy adabiyot esa soha, zamon, makon, til tanlamaydi, u birdek barchaning qalbiga kirib boradi va uzoq yillar davomida yashashda davom etadi. Shuning uchun mashhur ijodkorlarning hayot yo'llarini yoritgan asarlarning ahamiyati kattadir. "Gap ma'lum davr, ma'lum bir ijtimoiy sharoitda hayot kechirgan tarixiy

shaxs haqidagi romanlar ustida borganligi uchun mazkur romanlarni tarixiy roman kategoriyasiga kiritish lozim. Bunday romanlarning yana qo'shimcha xususiyati ham bo'ladi, ya'ni ijodkor shaxs haqidagi asarlar ham tarixiy roman turiga kiradilar. Qahramon obrazida, uning hayoti va kurashi orqali davrning ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatlarini aks ettirish har qanday tarixiy roman uchun ham umumiy vazifa ekanligi bu yerda ham o'z kuchida qoladi" [3].

Tarixiy shaxs obrazini gavdalantirishda har bir ijodkorning o'ziga xos tamoyillari, davrga va obrazga bo'lgan munosabati, tarixiy haqiqatga yondashish usuli mavjud. Ushbu roman-epopeya nafaqat Abay hayot yo'lini, balki u yashagan tarixiy davr, butun xalq hayotini real kartinalarda ko'rsatganligi bilan ham muhim ahamiyat kasb etgan.

"Tarixiy-biografik roman markaziga jamiyat, xalq, bashariyat tarixida g'oyat muhim o'rin tutgan atoqli shaxs (davlat arbobi, xalq qahramoni, allomamutafakkir, san'atkor kabi) qo'yilib, tasvirlanayotgan badiiy zamon va badiiy makon (xronotop)ning barcha yirik ijtimoiy, falsafiy, axloqiy, madaniy-ma'rifiy muammolari uning faoliyati, ichki-ma'naviy olami, dunyoqarashi bilan uzviy bog'lanib ketadi, shu asosda davrning, tarixiy muhitning keng, ko'lamdor epik

manzaralari yuzaga keladi" [4]. Bu turdagi asarning yana bir muhim jihati shundaki, unda tasvirlangan bosh qahramonning hayot yo'lini tasvirlashdagi ketma-ketliklar tarixiy haqiqatga asoslanishi va muallif tomonidan badiiy talqin etilishi lozim. Bunda tarixiy shaxsning tarjimai holi muhim ma'lumotlardan biri hisoblanib, M.Avezov Abay obrazini tasvirlashda mahorat bilan undan foydalangan, ya'ni tarixiy faktlar asarda badiiylilik kasb etgan.

Avvalombor, Abay (Ibrohim) Qo'nanboyev real tarixiy shaxs bo'lib, XIX asrning ikkinchi yarmida yashab ijod qilgan qozoq xalqining zabardast vakilidir. Uning hayotini xalq va ijtimoiy hayot tasvirisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Muallif Abay obrazini yaratish orqali katta va shu bilan birga qozoq xalqi hayotidagi muhim bosqichni tasvirlaydi, ya'ni qozoq elatlarining butun xalq sifatida shakllangunga qadar bo'lgan bosqichni o'z ichiga oladi. Bunga Abayning bolaligidan to o'limiga qadar bo'lgan davr asos qilib olinib, bo'lib o'tgan turli voqealar Qozog'istonning bir nechta hududlarida sodir bo'ladi. Jamiyatda bo'layotgan turli ziddiyatlar, o'zaro ichki nizolar, mansab va mol-u dunyo uchun talashishlar, boylar va kambag'allar orasidagi adolatsizliklarda Abay shunchaki kuzatuvchi bo'lib emas, balki ishtirokchi, ya'ni xalq dardini yengillatishga urinuvchi jonkuyar shaxs sifatida ko'rsatilgan.

"Y.V.Lizunovning "Hozirgi zamon qozoq romani" ("Современный казахский роман", Алмата, 1964) tadqiqotida qayd etilishicha, M.Avezov 1930-yildan boshlab Abayning hayoti, ijodiga oid ma'lumotlarni yig'ishga kirishgan. Bunda u asosan, "jonli tarix" – Abay zamondoshlarining esdaliklari hamda **shoirning badiiy merosiga tayangan**. O'tmishga doir yozma hujjatlar, arxiv materiallarining deyarli yo'qligi, tabiiyki, adib uchun katta qiyinchilik tug'dirgan. Shunga qaramay, yozuvchi Abay mansub bo'lgan tarixiy davrni ham, bosh qahramon obrazini ham badiiy mukammal tasvirlashga erishgan" [5]. Demak, Abayning ijodiy merosi muallifga dastlabki va eng muhim manbalardan biri hisoblangan. Uning ijod namunalarga nazar tashlar ekanmiz, har bir lirik yoki nasriy asarida uning orzu-umidlari, g'am-anduhlari, mehr-muhabbatini shu bilan birga ijtimoiy hayotga bo'lgan tanqidiy munosabatini ko'rish mumkin. Muxtor Avezovning asar syujetini tashkil qilishda Abay ijodiy merosidan ikki usulda foydalangan.

Birinchidan, Abayning butun-butun she'rlarini asarga kiritmaydi, shunchaki biror she'rni yaratishga turtki bo'lgan biror voqeani yoki uning she'riyatida uchraydigan biror she'riy san'atning yuzaga kelish paytini o'quvchiga ko'rsatib beradi. Bu asosan qisqa vaqt ichida to'sattan paydo bo'luvchi jarayon sifatida qaraladi. Asarda keltirilgan qishning go'zal tasvirining muhim jihati shundaki, u Abay tasavvurida cholga o'xshatilgan, ya'ni birgina tashbeh orqali uning "Qish" nomli she'riga ishora qilinayapti: "Qarqaralining atrofini o'rab turgan tepaliklar oppoq qor bilan qoplangan, yaltirab yotardi. Tog'dagi qarag'aylarni ham momiqdek qor bosgan. Hozir daraxtlik tog'lar Abayning ko'ziga oq to'ning teskarisini kiyib olgan cholga o'xshab

ko'rinaradi. Sovuq qahri-zahriga olib, shimoldan bilinar-bilinmas sovuq yel esib turardi" [6] deyilsa, she'riy ko'rinishi quyidagicha:

"Oq kiyimli, pahlavon, oq soqolli,
So'qir, gung, hech tanimas tirik jonni,
Ust-boshi oq qirovu, tusi sovuq,
G'archillab keldi qishning qahratoni.
Nafasi – izg'irinli, ayozli qor,

Qari oshnang – qish kelib tashvish soldi" [7].

Ikkinchidan, Abay Qo'nanboyevning lirik asarlarida tasvirlangan biror voqeani roman syujetining bir bo'lagiga aylantirilgan va ijodkor obrazi bevosita ishtirokchi sifatida harakatlantirilgan. Masalan, asarga kiritilgan ov jarayoni bilan bog'liq sahnalar tasvirida buni ko'rish mumkin. "**Oppoq qor** ustida **qizil tulki, qora burgut** olisharkan, Abayning ko'z o'ngida hech xayolga kelmagan ajib bir manzara namoyon bo'ldi. ... Yana ko'z oldidagi ko'rinishni shu onning o'zida xayoliga kelgan bir go'zal surat bilan chog'ishtirdi... Oppoq tanli, gungun yuzli, sochlari qopqora bir jonon cho'milayotirmi? Abayning og'ziga to'satdan bir yo'l she'r keldi.

"... o'xshaydi go'zal jonon cho'milganga" [8]

Ushbu voqea Abay va suyuqli rafiqasi Aygerim o'rtasidagi xafagarchilik voqeasidan keyin syujetni keskin burish maqsadida kiritilgan bo'lib, Abay xarakteridagi ijodkorlikni ham ko'rsatishga xizmat qilgan. Abay qalbida bo'y ko'rsatgan birgina misra, go'zal sifatlashlar uning kattagina hajmga ega "Burgutchi" she'rida quyidagicha ko'rinishga ega:

"Qor – oppoq, burgut – qora, tulki – qizil
O'xshaydi go'zal suvda cho'milganga.

Qora sochin ko'tarib ikki barmoq,

U ham bilq-bilq etmasmi siypaganda" [9].

Muxtor Avezov mana shu kabi ajoyib topilmalarni topish orqali asarning badiiy qimmatini yanada oshirgan.

Ushbu asarda tasvirlangan Abay Qo'nanboyev ilgari surgan g'oyalar, u intilgan yangiliklar beixtiyor jadid ma'rifatparvarlarini yodga soladi. Quyida ularning mushtarak jihatlarga e'tibor qaratamiz:

Birinchidan, xalqni og'ir ahvolga solayotgan milliy urf-odat va marosimlarga munosabatida uyg'unlik borligi ko'zga tashlanadi. Birgina to'y marosimi mavzusida ko'plab jadid ijodkorlari turli janlarda asarlar yozib, unga o'z tanqidiy munosabatlarini bildirib, xalq dunyoqarashini o'zgartirishga uringanlar (A.Qodiriy „To'y“ she'ri, „Baxtsiz kuyov“ dramatik asari va b.). Muxtor Avezovning „Abay yo'li“ romon - epopeyasida ham Abay bu kabi eskilikka aylangan marosimlarga munosabatini oshkora ko'rsatadi. Masalan, kelin yoki kuyovni tanlash ota-ona ixtiyorida bo'lib, bu ko'plab yoshlarni baxtsiz bo'lib qolayotganligiga qattiq achinadi, negaki mana shunday taqdir qurbonlaridan biri uning o'zi edi. Abayning Dildaga uylanishi ham mana shunday majburiyat yuzasidan bo'lib, bu narsa uning qalbini o'rtar, bu kabi dabdabali to'y va yaxshi tilaklar yoshlarning baxti uchun emas, balki „... kattalarning ko'nglidagi orzu-havasi, bir-birining izzatini bajo keltirish uchun“ [10] deb hisoblar edi. Shu jumladan,

qozoq xalqida **amenger**, ya'ni ilgari vaqtlarda unashib qo'yilgan qizning qallig'i o'lsa, urf-odat bo'yicha, qiz o'lgan kuyovning aka yoki ukasining xasmi bo'lish – odat tusiga kirgan. Asarda tasvirlangan ushbu odat ko'plab yoshlarni baxtsiz bo'lishiga, ovullarning esa buning natijasida dushman bo'lib, nizolar yuzaga kelishiga sabab bo'lgan. „Soliqa qizning mojarosi“ (qiz oltmish yoshli qaynag'asiga uchinchi xotin bo'lishdan bosh tortadi) nomini olgan janjal mana shunday urf-odat natijasida yuzaga kelgan va u Abayning adolatli qarori bilan to'g'ri yechim topgan. Jadid adiblari yashagan davrda ham yosh qizlarni keksayib qolgan va bir nechta xotini bor boylarga uzatish odat tusiga kirgan edi. Gulday qizlarning og'ir va musibatlariga to'la hayotini o'z asarlarida yoritish ularning oldida turgan dolzarb masalalardan biri hisoblangan. Masalan, Cho'lponning „Qor qo'ynida lola“ hikoyasi, „Kecha va kunduz“ romanida yoki A.Qahorning „Dahshat“ hikoyalari mana shunday taqdirni ko'ramiz.

Ikkinchidan, xalqni, ayniqsa, yoshlarni ilm-ma'rifatli bo'lishga chorlashida hamohanglik mavjud. Muxtor Avezov Abay obrazini yaratishda uning xalqparvarligiga alohida urg'u bergan va katta lavhalarda uning adalotparvar inson sifatidagi faoliyatini ko'rsatgan. Xalqda ildiz otgan mansabparaslik, poraxo'rlik, hasadgo'ylik, ikkiyuzlamachilik kabi illatlarni faqatgina ilm-ma'rifat orqaligini yo'q qilish mumkinligiga ishonadi. Shu sababli Abay, avvalombor, o'z farzandlarini keyin esa boshqa yoshlarni ham ilm olishga undaydi. Xalqni ilm-ma'rifatli qilish jadid ma'rifatparvarlarining ham bosh vazifalaridan biri edi.

Uchinchidan, o'z qarashlarini, g'oyalari xalqqa yetkazish yo'lini tanlashida ham jadidlar bilan o'xshashlik mavjud. Qozoq xalqi o'lan aytish, uni to'y-marakalarda birgalikda tinglashni yoqtiradi, shu sababli Abay yozgan she'rlarini barchaning qalbiga tezroq yetkazish uchun ularga o'zi kuy bastalaydi va shu orqali butun xalq orasida keng tarqalishiga olib keladi. „Oqsho'qida tug'ilgan o'lan, o'lan bilan kuy yodlanib, butun atrofga keng yoyilmoqda. Sahroning muloyim, orombaxsh shabadasi singari asta-sekin to'lqinlanib,

To'biqt yaylovlarini kezib o'tdi. Yuqoridagi Kereyga, quyidagi Uoqqa, orqadagi Qorakesak, Quondiq ellarigacha ketdi. Ayago'z, Torbog'otoy, Oltoy Naymanlariga ham borib yetdi“ [11] deya tasvirlanib, har bir hududga tarqalganligi va uni har bir inson turlicha qabul qilayotganligi aytib o'tilgan.

Jadid adiblari esa bunday vazifani matbuot, adabiyot va teatr san'atiga yuklaganlar va shu orqali xalqni ma'naviy yuksalishiga ko'maklashganlar.

To'rtinchidan, boshqa millat, yurt madaniyati, ilm-fan sohasidagi yutuqlardan o'rnak olishga bo'lgan intilish Abay dunyoqarashi o'zgarishiga, u yashab turgan jamiyat kamchiliklarni yaqqol ko'ra olishiga ko'maklashgan. Abay rus tilini o'rganib, adabiyoti bilan tanishib, ulardan o'rnak olishga urinishi otasi Qo'nanboy tomonidan tanqid qilinadi: „... o'risparastsan, o'sha yoqqa og'ib ketayotirsan. Bu ishing din va musulmonlikka yot ko'rinishini o'ylamaysan!“ [12] - deydi va kamchilik sifatida baholaydi. Jadidlar ham boshqa xalqlarning yaxshi tomonlarini o'rganishga, ular qatorida turishga intilganlar.

Jadidchilik harakatlari paydo bo'lgan paytda xalq ikki toifaga bo'linib ketgan edi: qadimchilar va jadidchilar. Xuddi shunday „Abay yo'li“ asarida ham ikki xil qarash vakillarini ko'ramiz: Abay va uning hamfikrlari hamda Qo'nanboy va unga ergashuvchilar. Abayning yangilikka intilishi, san'atga bo'lgan mehri qarama-qarshi kuchlar tomonidan qattiq qoralanadi. Bu kabi ziddiyatlar asarning harakatlantiruvchi kuchi hisoblanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Muxtor Avezov „Abay yo'li“ roman-epopeyasi orqali nafaqat qozoq xalqi, balki butun dunyo xalqlari tarixiy romanchiligiga munosib hissa qo'shdi. Biografik roman yaratish jarayonini yangi bosqichga ko'tarib, ijodkor obrazini mukammal darajada yaratdi.

“Abay yo'li” romanin o'qisang xo'p,
Senga berar, o'giti, ta'limi ko'p.
U shoh asar, elga targ'ib etaylik,
Avlodlarga qoldirar hikmati ko'p” [13].

ADABIYOTLAR

1. Abdulla Rustamov. Abay abadiyati.- T.: Muharrir, 2019. B 171.
2. Abdulla Rustamov. Abay abadiyati.- T.: Muharrir, 2019. B 165.
3. M. Avezov. Abay haqidagi romanlarim ustida olib brogan ishim. // Badiiy ijod haqida. –T., 1960.-B. 170-171.
4. G'ayrat Murodov. Tarixiy romanning mushtaraklik va o'ziga xosliklar uyg'unligi muammolari. F.f. dok. Diss. –T.: 2018. 24-25 b.
5. G'.Murodov. Tarixiy romanning mushtaraklik va o'ziga xosliklar uyg'unligi muammolari. F.F.D.diss.- T.: 2018. B 117.
6. Muxtor Avezov. Abay. 1-kitob. –T.: O'zbekiston davlat nashriyoti, 1951, B 109.
7. Abay. She'rlar va poemalar. –T.: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1970. B 38.
8. M.Avezov. Abay. 2-kitob. –T.: O'zbekiston davlat nashriyoti, 1953, B 282-283.
9. Abay. Tanlangan asar. –T.: O'zbekiston davlat badiiy adabiyot nashriyoti, 1961, B 26. Burgutchi sh'eri.
10. M.Avezov. Abay. 1-kitob. –T.: O'zbekiston davlat nashriyoti, 1951, B 268.
11. M.Avezov. Abay. 2-kitob. –T.: O'zbekiston davlat nashriyoti, 1953, B 491.
12. Muxtor Avezov. Abay. 1-kitob. –T.: O'zbekiston davlat nashriyoti, 1951, B 411.
13. Abdulla Rustamov. Abay abadiyati.- T.: Muharrir, 2019. B 210.



Назмия МУХИТДИНОВА,
Самарқанд давлат университети доценти, PhD.

МУҲАММАД ҒОЗИЙ ИЖОДИДА ОРИФОНА ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотация

Ушбу мақола XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида яшаб ижод этган кўзга кўринган йирик намояндалардан бири – Муҳаммад Ғозийнинг Қўқон адабий муҳитида тутган ўрнини аниқлашга бағишланган. Шоирнинг шеърлари моҳияти ва бадиияти ўзи томонидан тартиб берилган девони қўлёзмаси асосида таҳлилга тортилган. Шоир ижодининг ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамияти лирикасида акс этган ирфоний қарашлари, комил инсоннинг бадиий қиёфаси тадқиқи самарасида очиб берилган.

Калит сўзлар: ижодкорлик, адабий муҳит, бадиий образ, комил инсон.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ РАССМОТРЕНИЕ СУФИЗМА В ЛИРИКЕ МУХАММАД ГАЗИЙ

Аннотация

Статья посвящена определению места и роли творчества известного, но до сих пор недостаточно изученного представителя узбекской литературы конца XVIII –го и первой половины XIX вв. Мухаммада Газий, жившего и творившего в свое время в Кокандской литературной среде. Стихи поэта проанализированы по рукописи сборника, составленного им самим, определены место и значение творчества поэта в узбекской литературе. В лирике Газий освещаются вопросы суфизма, создается художественный образ всесторонне совершенной личности.

Ключевые слова: творчество, литературный круг, художественный образ, совершенная личность.

INTERPRETATION CONSIDERATION OF SUFISM IN MUKHAMMAD GAZY LYRIK

Abstract

Article is devoted to definition of a place and beaters of creativity known, but still insufficiently studied representative of Uzbek literature of the end of the XVIII and the first half of the XIX centuries Muhammed Gazi living and creating in due time in Kokand literary environment. Verses of the poet are analyzed according to the manuscript of the collection made by him, the place and value of creativity of the poet in Uzbek literature. In lyric Gazi are illuminated questions syufizm, creature the artistic image all-round made to personalities.

Keywords: creativity, literary circle, artistic image, ideal personality.

Кириш. XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярми Қўқон адабий муҳитининг кўзга кўринган йирик вакилларида бири – Муҳаммад Ғозий Хўқандийдир. У ўз даврининг Акмал, Махмур, Маъдан, Гулханий, Хозик каби илғор фикрли ижодкорларидан бири эди. Ғозий ҳаёти ва ижодиёти ҳақида ягона илмий тадқиқот яратган олим А.Қаюмов ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда шоир ижодининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Ғозийнинг социал мазмундаги шеърый асарлари XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларидаги ижтимоий ҳаётнинг реал картинасини очишда ёрдамлашади, адабий ҳаётда мавжуд бўлган турли йўналишларнинг моҳиятини тўлароқ англашга имкон беради» [5].

Ўз даврининг машҳур шоирларидан бўлган бу ижодкор ҳақида XX асрнинг ўрталарида (1959 йил) ўзбек адабиётшунослиги шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида муҳтасар маълумот берувчи академик Азиз Қаюмов муаллифлигидаги «Ғозий» деб номланган монографиядан ташқари узоқ йиллар на бирор асар ёки на илмий-тадқиқот иши, на бирор мақола ёхуд кичик ахборот ёзилган эди.

Ўтмиш тарихнавис ва тазкиранависларининг шу даврга оид асарларида, хусусан, Қори

Раҳматуллоҳ Возехнинг «Тухфатул-аҳбоб фи тазкират - ил - асҳоб» асарига, «Тазкираи Афзалий»да, халқимиз ва адабиётимиз тарихига оид бошқа тазкираларда ҳам Ғозий тўғрисида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Фақат икки мўтабар қўлёзма асар – 1821 йили Қўқонда тузилган Абдулқарим Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси ва 1950-1953 йилларда қўқонлик Пўлатжон домудла Қаюмов тузган «Тазкираи Қаюмий»да шоир ҳаёти ва ижодига оид айрим маълумотлар учрайди.

Асосий қисм. Фазлий Намангоний тазкирасида шоирнинг асл исми МуҳаммадҒозий бўлиб, Қўқон атрофидаги кишлоқлардан бирида туғилганлиги кўрсатилади. Тазкиранавис хонадони, аждодлари ҳақида ҳам кичик бир маълумо беради. Унинг ёзишича:

Падар то падар хоки ин остон,

Ба даргоҳи соҳибқирон қадрдон [3].

Бу ишорага кўра, Ғозийнинг ота-боболари соҳибқирон даргоҳининг қадрдонлари бўлишган. Агар Қўқон хонлари тарихида «Соҳибқирон» унвонини олган подшоҳ ўлмаганлигини назарда тутсак, демак, бу ерда сўз бевосита юртимиз тарихида ўтган ягона Соҳибқирон – Амир Темур

хақида кетмоқда. Бундай бўлмаган тақдирда эса асар муаллифи Амир Умархонни муболаға билан улуғлаб, «соҳибқирон» деб атамоқда. Нодирабегим ўзининг бир ғазалида «Яна бир бобурийзода дунёга келди», деган эътирофини эсласак, аввалги фикрда ҳам жон бордек кўринади. Аммо, Фазлий Ғозийнинг Соҳибқирон Амир Темургача бўлган аждодлари ҳақида маълумотга эга бўлиши шубҳа уйғотади. Муаллиф бу ерда хуштакаллуф билан Амир Умархон – Амирий даргоҳи ҳақида сўз юритаётгани ҳақиқатга яқин.

Демак, Ғозий Қўқон хонларига дўст – кадрдон бўлган ёки қариндош бўлган, ёки хонлар саройида хизмат қилган. Аслзода зодагонлар хонадонида таваллуд топган. Бу фикримизни шоир девонидан жой олган бир тарих – «Тарихи Авлиёхон» ҳам тасдиқлайди. Ундан маълум бўлишича, шоирнинг Авлиёхон исми ўғли бўлиб, 1801-1802 йилларда вафот этган. Ўғлининг исмини Авлиёхон деб аташи, ўзига «Ғозий» тахаллусини олиши унинг диний-руҳоний, аристократик доираларига тааллуқли шахс бўлганлигидан далолат беради.

Шоирнинг исми ва тахаллуси хусусида ҳам аниқлик киритилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд. Фазлий тазкирасида шоирнинг исмини МуҳаммадҒозий деб келтиради. Бу исмининг маъноси – Пайғамбарнинг ёнида туриб ислом йўлида жанг қилган ва ғалабага эришган, деганидир. Шу мазмундан келиб чиқиб, шоир исмининг иккинчи қисмини тахаллус қилиб олган бўлиши мумкин. Аммо, исмини шоир бирор шеърда тўлиқ келтирмайди.

Агар шоирнинг исми Муҳаммад бўлиб, «Ғозий» тахаллусини унинг ўзи танлаган десак, тахаллус маъноси анча кенгайди. Яъни, шоир ўзининг башариятнинг энг комил инсони ғояларига содиқ қолиб, уларни тарғиб қилиб, зулматни нур билан, жаҳолатни маърифат билан енга олувчи ва бу курашда албатта музаффар бўлувчи кучли шахс эканлигини таъкидлайди. Бу фикр нафақат шоир шеърлятида, балки унинг амалий фаолиятида ҳам ўз ифодасини топган. У бир муддат Қўқонда диний назоратчи, фатво берувчи, раҳнамо-муфтий вазирасида ҳам ишлаган. Шу мулоҳазалар нуқтаи назаридан биз шоир исми ва тахаллусини Муҳаммад Ғозий деб ёзишни маъқул кўрдик. Бундай тахаллус танлаш тасодифан қабул қилинган қарор эмас эди. У динга кирмаган динсизларга қаршигина эмас, жохилларга қарши, дунёга қаттиқ кўнғил берган ғофилларга қарши, жаннат таъма қилувчи нодонларга қарши, риёкор зоҳидларга қарши ғазот эълон қилган. Маърифат нури жаҳолат зулматини енгишга унинг иймони комил. Ўзи маърифат талабида йўлчи ва маърифат ёювчи экан, демак, у Ғозий. Маърифат тушунчаси дунё ва охират, бутун борлиқ тушунчаларидан кўра кенгрок. У бутун борлиқни яратгучи зотга талабгорни яқин этувчи, ошно этувчи восита. Шу боисдан шоир уйғоқ қалбининг роҳати учун фақат маърифат истаиди:

Фароғат истасанг кеч хосили дунёву
уқбодин,

Бир охи сард ила икки жаҳон
рахтини барбод эт [5].

Фазлий тазкирасида шоир таржимаи ҳолига доир бошқа маълумотлар ҳам мавжуд. Хусусан, муаллиф ўз даврининг таниқли шоирларидан бири Акмал ҳақида сўзлар экан, ундан сўнг (яъни, Акмалдан кейинги истъодод) ширин ва кўнғилочар ғазаллари билан шеърда синалган Ғозий эди, улар бир-бирлари билан доимо ҳамсухбат, ҳамфикр эдилар, деган мисраларни келтиради:

Азон баъд Ғозист шеър озмо,

Ғазалҳои ширини ў дилкушо...

Ҳамедошт суҳбат бо Акмал мудом,

Баҳам будаш он муттафиқ дар калом [3].

Эътибор қилинса, адабиётшунос сифтида Фазлий икки шоир ижодий кудратига, истъододига баҳо бериб, уларни адабий муҳитдаги мавқеъларига кўра бирн-кетин жойлаштирмоқда.

Фазлий тазкирасидаги яна бир муҳим маълумот – Ғозийнинг Акмалдан олдин вафот этганидир:

Зи ваҳшатгоҳи олами пурхатар,

Сафар қард ў ҳам аз ин пештар [3].

Шоир Акмалнинг зикри ўтган баъзи кўлёмаларда, хусусан «Мунтахаб ут-таворих», «Ансоб ус - салотин» асарларида Акмалнинг тарих ёзишга моҳир бўлгани ҳақида маълумот берилади. Демак, Акмал девонининг топилиши шоир Ғозий вафоти санасини аниқлаб бериши мумкин. Чунки, тарихнависликда моҳир Акмал ўзининг яқин дўсти, ҳамфиқри Ғозий вафоти муносабати билан албатта тарих битган бўлиши лозим. Бундай ҳодиса ўша давр зиёлилари этикаси талабларидан бири эди.

XVIII аср ва XIX аср биринчи ярми Қўқон адабий муҳитининг асосий хусусиятларидан бири – унда орифона шеърлятнинг мавжуд эканлиги бўлиб, ирфоний руҳ умуман бадиий адабиётнинг етакчи ғоявий йўналишларидан эди. Ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихини тасаввуф таъсирдан айри ҳолда тасаввуф қилишининг асло имкони йўқ. Чунки, тасаввуф юртимиз миллий маънавий ҳаёти учун асосий эътиқод фалсафаси, ўзига хос мафкура эди. Тасаввуфнинг асл мақсади ахлоққа йўналтирилган. Комил инсон ғояси бу таълимотнинг бош ғояси ҳисобланади. Ҳаётнинг ўзида шундай ғоя ва унга интилишнинг тайёр назарияси бўла туриб, адабиётнинг бу таълимотга бефарқ бўлишининг ҳам иложи йўқ эди. Негаки инсон ва унинг камолотга эришиши масаласи сўз санъатида ҳам асл мақсад янглиғ тарғиб этиб келинган.

Тасаввуфда тариқат инсон иродасини чархлаш, тоблаш орқали уни доноликка чорловчи, ўз-ўзини тарбиялаш, ақл –идрокни юксалтириш, нафс хоҳиш-истакларидан узоқ бўлиш каби фазилатларга етакловчи буюк таълимотдир. Камолотга эришган инсон эса Ҳақ таоло манзури бўлади ва кўп файзу футух, илоҳий иноятларга сазовор бўлади.

XVIII аср охири – XIX асрнинг I ярмидаги Қўқон адабий муҳитининг ёрқин намоёндаси Ғозий мустаҳкам ахлоқий, фалсафий, эстетик қарашлари шаклланган, ўз этикодида собит, ижодда ўз йўлига эга шоир эди. Бугунги кунда унинг ранг-баранг бадиий меросини ўрганиш ниҳоятда муҳим вазифалардан биридир.

Қўқон адабий муҳитида шаклланган поетик услубиятнинг таъсири Ғозий шеърлятида ҳам кўзга ташланади. Девонда 300 дан ортиқ ғазал ва бошқа мумтоз жанрларга оид шеърлар мавжуд. Ғозий шеърларининг тили равон ва халқчил. Гарчи анъанавий ғоялар ва шеъшунослик услуби сақланган бўлса-да, лекин шоирнинг ўзига хослиги ҳам аниқ намоён бўлади.

Ғозий ижодий мероси фан ходимлари ва шеърят ихлосмандларига ўтган аср 50 – йилларининг охирида маълум қилинди [5] ва шу билан чекланилди. Академик А.Қаюмов шоир шеърлятини дунёвий мазмунда – интим лирика, ижтимоий ҳаёт ва мавжуд сиёсий тузумдан норозилик маиший ҳаёт манзаралари ифодаси каби жиҳатлардан таҳлил қилиб берди. Шоир шеърлятининг ғоявий – маърифий мазмуни ва аҳамияти ҳақида сўз юритишнинг эса имкони йўқ эди. Девондан ўрин олган ғазаллар маърифий ва ижтимоий мазмун касб этади. Шоирнинг ишқий ғазаллари ниҳоятда дилкаш ва руҳафзо бўлиб, асосан, Навоий, Машраб, Фузулий шеърляти услуби ва тарзида ёзилган.

Ғозий девонлари унинг шахсияти, фалсафий-ижтимоий дунёқараши, ҳаётида содир бўлган воқеа-ходисалар, руҳий кечинмалари, диний этикоди ва ахлоқий қарашлари хусусида ёрқин тасаввур уйғотадиган ягона манбадир. Девонлар ўз даври адабий анъаналари доирасида муаллифнинг шахсий хусусиятлари, тили, руҳияти, яшаган муҳити ва бошидан кечирган воқеа-ходисалар таъсири, шеърлятининг бадиий тимсоллари қиёфаси ва ҳиссий (эмотсионал) ҳолатлар тасвиридаги ўзига хосликлар билан яққол ажралиб туради. Шу нуқтан назардан ишимизда шоир девонида мавжуд ошиқона шеър ва ғазалларни чуқурроқ таҳлил этилиб, шеърнинг инсон камолотидаги ўрни ва аҳамияти масаласи кенг ёритилади.

Ижодий яратмалари, шеърлятининг кадру қиммати ва аҳамиятини яхши тушунган шоир фахрия усулида ўз ижодига шундай баҳо беради:

Ғозий ба шамшири фикр мулки суҳан фатҳ кард,

Қуввати бозу нигар: қалъаи Хайбар шикаст.

(Мазмуни: Ғозий фикр шамшири билан сўз мулкини фатҳ этти, Билагининг кучини кўр: Хайбар қалъасини енгди.)

Мумтоз шоирлар анъаналарига тақлид этиб, шоир фақирлик билан ўз қалбини ёки маърифатталаб солиқ қалбини “синғон сафол”, ёхуд “синған коса” деб атайди. Аммо, бу “синған коса” унга Шох Жамшиднинг жами жаҳоннамосидан афзал, мажусий

бўлса ҳам, Ёр ишқиде ёнганидан тўпланган гулхан кули Шох Доронинг тахти мурассаъсидан афзал. У ўзи англаган ва қалбини тўлдирган муҳаббат Дорою Жамшид давлатларидан ҳам зиёда эканлигини фахр билан қайд этади. Мана шу мазмундаги баъзи байтлар:

- Муяссар бўлса синған косау гулхан кули Ғозий,
Ҳавоий тахти Доро, орзуи жами Жам қилмас;

- Маснадим гулхан кулидур, соғарим синғон сафол,
Онча мен топдим бу давлат топмади Дорою Жам.

Шундай фикрлар шоирнинг мустаъзодларида ҳам баён этилган:

Ҳар кимки эрур подшаҳи мулки қаноат, ҳаргиз анга шак йўқ,

Қайсар ила Кайхусраву Фағфур илан Жам олдида гадодур...

Муҳаббат мавзуси Ғозий шеърлятида жуда кенг ва чуқур маънога эга бўлган мутлақ муҳаббатни ифода этади. У ишқ ўтида тобланавериб этилган ошиқ. Шунинг учун унинг шеърлятида тил нафосати, қалб ҳароратидан кўра кўпроқ илоҳий жазба, жунун кўзга ташланади:

Муҳаббат тобидин оташгоҳдур пайкарим Ғозий,

Фалак хирманлари ўртаб бўлур кул бир шароримдин.

Шу тариқа ҳақ ошиғи қалбидаги илоҳий жазбанинг тилга кўчиши орифона шеърлятни юзага келтиради. Ориф учун энг катта давлат ниҳояси бўлмаган ишқ, муттасил ёнмоқ. У бу машаққатни гўёки ҳеч кимга раво кўрмайди, аслида эса барчадан кизғанади:

Ишқ домига муқайяд ҳеч одам бўлмасун,

Бўлса бўлсун мен киби расвон олам бўлмасун.

Ғоят қаттиқ ва интиҳоси номаълум ишқ дарди орифни жумла оламдан ажратиб қўяди. Жумла олам халқи яратгандан офият тиласа, у ДАРД тилайди:

Айлағил жавру жафо Ғозийни ғамсиз хотири,

Лаҳзаи шод айласун, бедард бир дам бўлмасун.

Ғозий ўз шеърлятининг мазмун – моҳияти маънавияти юксак, ишқ талабида маърифат даражасига кўтарилаган, дунёвий талаб-истакларга кўплик, риёкорлик иллатларидан қутулган фақир, сўфий ринд шахснинг дарду аламлари ифодасидан иборат эканлигини очиқ – равшан баён этади:

Мен, эй Ғозий, бу шайхларга йўқтур ихлосим,

Муҳаббат муршидим, дарду аламдур хатти иршодим.

Орифона шеърятнинг асосий мавзуси – ишқ. Бу оддий инсоний ишқ бўлмай, ҳақ ошиғининг Ҳаққа қаратилган беинтиҳо, сабру таҳаммулсиз, ёлғиз толиб ва матлубагина аён бўлган пинҳона муҳаббатидир. Муҳаббат иштиёқи дард ва алам туғдиради. Шу боис кўконлик шоирлар шериятида “муҳаббат” ва “дард” мавҳумлари воситасида ғоявий ният ўз ифодасини топган.

Ғозий ижоди Кўкон адабий муҳити анъаналарини ўзида мужассам этди ва давом эттирди. Унинг инсонпарварона ижоди ўзбек шеърятининг муҳим тариқибий қисми ҳисобланади ва кейинги даврлар қалам аҳли учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташи мумкин.

Хулоса. Шундай қилиб, Ғозий девонидан шарқ мумтоз тадвинчилиги услубида жойлаштирилган икки тилдаги (форс-тожик ва ўзбек), 9 лирик жанрдаги 171 асар ўрин олган. XVIII аср охири – XIX аср бошлари Кўкон адабий муҳитининг кўзга кўринган номояндаларидан бири бўлган «илғор халқпарвар» (А.Қаюмов) ва хушнафас шоир Муҳаммад Ғозий Хўқандий Кўкон хонларидан

Норбўтабий даврида ёшлик айёмини ўтказиб, Олимхон ҳукмронлиги йилларида кексалик ёшига етди. Тарихнавис манбалар ва шоир девонидан жой олган асарларда келган маълумотларга кўра Амир Умархон ва Нодирабегим ҳокимиятлари бошларида ҳам шоир ҳаёт бўлган. Унинг девонида Олимхоннинг ўлдирилиши ва Умархоннинг унинг ўрнига тахтга чиқиши ҳақидаги шеър бор. Шунга кўра Ғозий Фазлий ўз тазкирасини ёзаётган йилларда, яъни 1821-1822 йилларда вафот этган, деган фикрга келиш учун асос бор. Шоирдан икки тилда (Форс-тожик ва ўзбек) ва 9 лирик жанрда ёзилган асарлардан иборат девон мерос бўлиб қолган. Ғозий девони унинг ижодини тўла ва ҳар томонлама акс эттирувчи мўътабар манбадир. Девондан ўрин олган шеърят намуналари шоирнинг юксак салоҳият ва кенг дунёқараш соҳиби, шеърят қоидаларини пухта эгаллаган ва уларни ўз асарларида муваффақиятли қўллаган пешқадам шоирлардан бўлганлигини намоянда этади. Шу боисдан ўзбек адабиётшунослиги бу ижодкор мероси юзасидан бугунги кунда янги илмий тадқиқотларнинг юзага келишига эҳтиёж сезмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ғозий. Девон. Инвентарь №121 Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.
2. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. Тошкент, Ўз.дав.нашр. 1966. –304б.
3. Фазлий. Мажмуаи шоирон. ЎзФАШИ, қўлёзма инвентар №9139.
4. Қайюмов П. Тазкират уш-шуаро. 1-китоб (нашрга тайёрловчи Қайюмов А). – Тошкент: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи таҳрир бўлими, 2006. –340б.
5. Қаюмов А. Ғозий. Тошкент: ЎзФА, 1959. –146б.
6. Қаюмов А. Кўкон адабий муҳити (XVIII – XIX асрлар). – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1961. – 361 б.



Илҳом РУСТАМОВ,

*Жиззах давлат педагогика институти
Ижтимоий фанларро чет тиллар кафедраси доценти
E-mail: ilhom.rustamov.1982@mail.ru*

ИССЛЕДОВАНИЕ КОМИЧЕСКОГО ТУРА

Аннотация

Анализ текстов второстепенных жанров имеет свое место на всех уровнях лингвистики. В частности, комедия как субъективная категория представляет собой феномен как в письменной, так и в устной форме, который отражает прагматические, концептуальные, национальные, культурные, социальные особенности. В этом контексте факторы и условия создания комиксов и проблемы в их понимании различны. Примерами этого являются объект смеха, то есть то, что смеется над субъектом, условия, которые вызывают комический эффект, и словесные и невербальные средства, которые создают комический эффект. Другой аспект заключается в том, что даже если человек свободно владеет иностранным языком, юмор другой культуры не всегда может быть принят непосредственно, поскольку он тесно связан с национальным менталитетом. Однако в статье рассматриваются методологические и теоретические аспекты изучения комических категорий.

Ключевые слова: комикс, смех, юмор, сатира, ирония, сарказм, бисоциальный парадокс, алогизм.

RESEARCH OF COMIC TOUR

Annotation

The analysis of minor genre texts has its place at all levels of linguistics. In particular, comedy as a subjective category is a phenomenon in written as well as oral form, which reflects pragmatic, conceptual, national, cultural, social features. In this context, the factors and conditions of comic creation and the problems in understanding them vary. Examples of this are the object of laughter, that is, something that laughs at the subject, the conditions that give rise to the comic effect, and the verbal and nonverbal means that create the comic effect. Another aspect is that even if one is fluent in a foreign language, the humor of another culture cannot always be directly accepted because it is closely related to the national mentality. However, the article discusses methodological and theoretical aspects of the study of comic categories.

Key words: comic, laugh, humor, satiric, irony, sarcasm, bisocial, paradox, alogism.

КОМИКЛИК ТУРЛАРИ ТАДҚИҚИ

Аннотация

Кичик жанр матнларининг таҳлили лингвистиканинг барча сатҳларида ўз ўрнига эга. Жумладан, комиклик субъектив категория сифатида ёзма ва шунингдек, оғзаки кўринишдаги ходиса бўлиб, прагматик, концептуал, миллий, маданий, ижтимоий хусусиятларни ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан комиклик яратилишининг омиллари ва шартлари ва уларни тушунишдаги муаммолари турлича бўлади. Бунга, кулги объекти, яъни субъект устидан кулаётган нарса, комик эффектнинг пайдо бўлишига замин яратувчи шарт-шароит ва комик эффектни яратувчи вербал ва невербал воситалар яккол мисол бўла олади. Яна бир томони шундаки, бирор бир чет тилини мукамал билган тақдирда ҳам ўзга маданият юморини ҳамма вақт тўғридан-тўғри қабул қилиб бўлмайди, чунки у миллий менталитет билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга мақолада ҳажвий категорияларни ўрганишнинг услубий ва назарий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: комик, кулгу, юмор, сатира, ирония, сарказм, бисоциатив парадокс, алогизм.

Кириш. Кичик ҳажмдаги нуткий тузилма бўлган латифа жанрига оид матнлар бошқа коммуникатив структуралардан тузилиши, прагматик мақсади ва когнитив таркиб жиҳатидан ўзига хос кўринишга эга. Ушбу турдаги матнларнинг лисоний мақоми ва вазифавий-коммуникатив моҳиятини замонавий методологик тамойил ҳамда мезонлар замирида очиб бериш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Кичик жанрларга оид матннинг кўпчилиги комик мазмунга эга бўлиб, “улар ҳар хил муболағалар, ёлгон-яшириклар, хаёлий тўқималар кўринишини олади”. Латифага оид матнларнинг тадқиқи латифаларнинг онтологик моҳиятини ташкил этадиган ўзига хос тил бирликларига асосланади. Латифа, ўз навбатида, эстетик категория сифатида маълум дунёқарашни акс эттирадиган, эмоционал муносабатларни ифодаловчи, инсон характерини кулги ёрдамида ёритадиган, жамият учун салбий

саналган ижтимоий ҳодисаларни танқид остига оладиган комик шаклларнинг бир тури ҳисобланади.

Асосий қисм. Кўп маъноли ва кўп функцияли ҳодиса бўлган комиклик фалсафа, эстетика, тилшунослик, маданиятшунослик, психология сингари фанлараро тадқиқотлар объектидир. Комиклик моҳиятини тўлиқ ҳажмда биопсихологик, социопсихологик, лингвимаданий ва когнитив тилшунослик методологияларини қўллаган ҳолда ўрганиш мумкин [1].

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган, эслатиб ўтилган назарияларнинг ҳеч бирини тўлиқ қабул қилиб бўлмайди, аммо уларнинг ҳар бирида оқилона мулоҳазалар мавжуд. Бу эътиборга лойиқ. Барча назариялар таҳлилидан шундай хулосага келинадики, комикликнинг асоси муайян мотивдан иборат бўлиб, улардан асосийлари устунлик, номутаносиблик, комик қувватни чиқариб юбориш мотивлари ҳисобланади. Бундан ташқари, барча назарияларда комиклик юзага келишининг сабаблари ҳамда унинг юзага чиқишига тўсқинлик қиладиган ҳодисалар белгилаб ўтилади.

Фалсафада комикликнинг қуйидаги турлари алоҳида ажратилади: нозик, таъсирчан, қизиқарли, гротескли, трагикомик, яна яққол, яширин, табиий, комизмлар [2].

Адабиётшуносликка оид назарияларда комиклик инсон тушиб қоладиган нореал ва мантқиқсиз аксил олам билан тенглаштирилади. Комиклик оламини иккига ажратади, яъни меъёрий ва «кулгили» воқелик. Шундан келиб чиқиб, олимлар комикликка қуйидаги таърифни беришади: "...бу қуйидаги икки шартни қондирадиган меъёрдан оғишдир: 1) иккита мазмуний режа пайдо бўлишига олиб келади (бошланғич нуқтадан шу нуқтага кескин фарқ қилувчи якуний натижага қутилмаганда ўтилади); 2) ушбу дамда ҳеч ким учун хавф йўқ, ҳазилни қабул қилувчилар учун ҳатто ёқимли (манзур) ҳам, чунки оғиш уларда ўз устунлиги ҳиссини келтириб чиқаради" [3].

Адабиётда комикликнинг кўплаб жанрлари мавжуд: масал, фелетон, памфлет, эпиграмма, ҳажвий ҳикоя, адабий пародия, маиший комедия, трагикомедия, комедия дель арте, водевиль, скетч, миниатюралар, афоризмлар, мақоллар, тезайтишлар, топишмоқ, латифа (анекдот), СМС-хабарлар, ривоят, реклама эълонлари кабилар.

Айрим тадқиқотчилар кулгини тажовузкорликка тенглайдилар, негаки даставвал тажовузни қайтаришга қаратилган қувват, ихтиёрий равишда кулгига айланади.

Комиклик идроки инсон онгининг атрофдаги воқеликни ва тўпланган ҳаётий тажрибани акс эттириш сингари билиш хусусиятларига асосланувчи мураккаб когнитив жараёндр. Мисол учун, комиклик талқини "хабар жўнатувчи ва қабул қилувчидаги умуммаданий, миллий, ижтимоий, фанга оид билимларга ҳамда комик эффектни бериш учун лисоний воситаларнинг мақбул танловига"[4] боғлиқ. Комикликнинг ўзи воқеликнинг субъектив

бахоси бўлгани боис, мазкур категория эмоциялар соҳасига мансубдир. Шаховскийнинг фикрича, комик маънони тушуниши комик вазият иштирокчиларидан «унинг аспекти сифатида эмоционал / эмотивли билимни» талаб қилади. Модомики у йўқ экан, латифа ҳазил, ҳар қандай ҳозиржавоблик ва юмор тушунарсиз бўлади ҳамда маъновий (эмоционал) диссонанс юзага келади [5].

Комиклик яратилишининг омиллари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

- Кулги объекти, яъни субъект устидан кулаётган нарса. Руёвий идрок ва унинг барбод бўлишига асосланган ҳамда ўз ижтимоий мавқеини пасайтиришга мойил.

- Субъект–объектив ва субъектив кўриниши орасидаги қарама-қаршиликни англаётган кузатувчи, унинг учун завқ олишга хос, ўз баҳосини оширишга мойил.

- Комик вазият–комик эффектнинг пайдо бўлишига замин яратувчи шарт–шароит.

- Комикликни амалга ошириш воситалари – комик эффектни яратувчи вербал ва новербал воситалар.

- Кулгу реакцияси (муносабат) – инсон физиологияси ва руҳияти намоёни.

Маданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқот нуқтаи назаридан комиклик тадқиқоти миллий ўзига хосликка асосланади, яъни чет тилини мукамал билган тақдирда ҳам ўзга маданият юморини ҳамма вақт ҳам қабул қилиб бўлмайди, чунки у миллий менталитет билан чамбарчас боғлиқ: юморни ўрганиш ҳам ўз, ҳам ўзга (хорижий) маданиятни, ўзи ва ўзгалар образини талқин қилишдаги фарқларни тушунишга ёрдам беради. Ҳар хил маданиятларни қиёслашда биринчи планга этнография ва этнопсихология элементлари чиқиб, уларга миллий ғурур, ўз-ўзини англаш, миллий характер қирраларини киритиш мумкин. Бу элементлар миллий юморда юксак (адабий) сатҳда ҳам, тубан сатҳда ҳам яққол намоён бўладилар, яъни маълум халқ юморининг ўзига хослиги комиклик универсаллиги, унинг идроки ва шаклланиши механизмларидан қатъий назар, ўзи яраладиган лисоний маданият хусусиятларига боғлиқдир.

Комиклик категориясининг тадқиқидида "оламнинг комик манзараси" термини муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотчилар уни "Оламнинг умумий эмоционал манзарасининг унинг структурасига киритилган бўлаги (парчаси)", унинг моҳияти асосини "атрофдаги оламни стереотипик идрок этишдан, меъёрий ҳаётий қадриятлардан оған, комик эффект келтириб чиқарадиган комик образлар йиғиндиси" ташкил қилади деб таъкидлайдилар(6). А.В.Карасик олам комик манзарасининг тўрт сатҳини ажратиб кўрсатади: 1) умуминсоний; 2) этномаданий; 3) ижтимоий-гуруҳий; 4) индивидуал [7], яъни комиклик алоҳида бир киши (инсон, одамларнинг муайян гуруҳи ҳамда миллат ва ҳатто бутун инсоният сатҳларида ҳам муваффақиятли қабул қилиниши мумкин.

М.Р.Желтухина томонидан комикликнинг ҳар хил турларини фарқлашнинг қуйидаги мезонлари ишлаб чиқилган:

1. Эстетик: а) комиклик объекти, б) комиклик объектининг идеал билан ўзаро муносабати;
2. Ижтимоий: а) долзарблик даражаси, б) танқидийлик даражаси;
3. Биопсихологик: а) эмоционал тўйинганлик даражаси, б) эмоцияларни ифодалаш жадаллиги, в) ифодаланаётган эмоциялар характери, г) тажовузкорлик даражаси;
4. Лингвистик: 1) лингвокогнитив: а) интеллектуаллик даражаси, б) баҳоловчи белги хусусияти, в) салбий (негатив)лик даражаси; 2) лингвопрагматик: а) адресат томонидан комикликни тушуниш даражаси, б) перлокутив эффект, в) баҳони ифодалаш хусусияти; 3) соф лингвистик: а) ифода ва мазмун планларидаги қарама-қаршилик даражаси, б) устивор лисоний воситалар [8].

Юмор (инглизча *Humour* ғалатилик, феъл-атвор (ахлоқ), кайфият, лот. *humor* намлик) – комикликнинг энг мулойим тури бўлиб, у атрофдаги воқеликнинг алоҳида камчиликларининг устидан кулишга асосланади, асосан кулги, табассум кўринишидаги ижобий эмоцияларни келтириб чиқаради, шу боис кўп ҳолатларда ижобий қаҳрамонлар тавсифи учун қўлланади. Юмор жамиятда муайян вазифаларни бажаради:

1) Эстетик функцияси шундан иборатки, юмор инсонга қувонч ва завқ келтиради, оламнинг юмористик идроки эса инсон онгида янги образлар яратади;

2) Муайян, эҳтимол бошқа ижтимоий доира вакилларига тушунарсиз, юмор қабул қилинган гуруҳга инсоннинг мансублигини аниқлаш имконини берувчи ижтимоийлаштирувчи функция.

3) Коммуникатив функцияси салбий эмоцияларни юмшатиш имконини беради, яъни инсоннинг хатосига юмор йўли билан ишора қилса бўлади ва бу самаралироқдир.

4) Катарсисга оид функция - ўз устидан, ўз камчиликлари ёки омадсизликлари устидан кулиш.

5) Ўз-ўзини бошқариш функцияси шундаки, инсон юмор ёрдамида вазиятга бошқа нуқтаи назардан қараши мумкин.

6) Юморнинг эвристик функцияси шакл ва мазмун, қандайдир предмет ҳақидаги турғунлашган тушунчалар ва унинг ҳаққоний манзараси орасидаги номутаносибликларни аниқлаш имконини яратади, яъни юмор аввалбошидан қарама-қаршиликларга қурилган.

7) Ижодий функция орқали инсон юмор воситасида тажрибанинг ўзаро боғланмаган фактлари ва аспектларини бирлаштира олади, шундан сўнг унинг идий тафаккури даражаси ривожланади.

Сатира (лотинча *satira* аралаш-қуралаш) тажовузкорликнинг юқори даражаси билан ажралиб туради, унинг мақсади – кўпинча салбий хиссиётлар, ранжиш ҳиссини келтириб чиқарадиган заҳарханда.

Сатира объекти мақомдорлар, ижтимоий иллатлар, ахлоқ меъёрлари ва одобнинг бузилиши аччиқ кулги остига олинган сиёсий институтлар ҳисобланади.

Ирония (юнонча *egonea*-муғомбирлик) шакл ва мазмун номутаносиблиги, яққол ва яширинган қаршилантирилишига қурилган, яъни киноя, аччиқланиш, танқид, жирканишнинг яширин маънога эга бўлган ва мушоҳадага етаклайдиган ижобий фикр орқали ифодалаш. Ирония (киноя) объекти – фош қилишга лойиқ зарарли ходисалар. Иронияга эмоционал муносабат сифатида кўп ҳолларда маҳзун жилмайишни кўриш мумкин.

Сарказм (юнонча *sarkazo*, сўзма сўз “тўштни бурдалаяпман”) – комикликнинг салбий бўёқдорлик билан ажралиб турувчи ва мақсади шафқатсизларча, кўпол заҳарханда бўлган энг тажовузкор тури. Оғир оқибатларга олиб келувчи ижтимоий иллатлар саркастик заҳарханда объекти ҳисобланади. Сарказмга эмоционал муносабат адресантнинг заҳархандаси ва киноявий илжайишда ифодаланади.

Юқорида санаб ўтилган комиклик турлари интенсивлик даражаси, кулги остига олинган объектлари, эмоционал муносабат кўринишлари бўйича фарқланади.

Тилшуносликда комиклик категорияси лисоний бирликлар прагматик маъносини қайта ишлашнинг маълум тизими сифатида тадқиқ қилинади. Мазкур тизим модел ва уни қуришнинг лисоний воситаларидан ташкил топган. Ушбу категориянинг лингвистик таҳлилида тадқиқотчи матнда унинг ижтимоий-маданий мазмунини ҳамда шу мазмунни белгилувчи унитар ахборотнинг интеракционал структураларини аниқлайди. Боз устига комиклик категориясининг лингвистик жиҳатдан тадқиқотлари комик эффект яратувчи сабабларнинг тавсифи билан чамбарчас боғлиқдир.

Лингвокогнитив ёндашув нуқтаи назаридан комикликка парадоксал, оқилона (рационал) сифатида қаралади. М.Бахтин таъкидлаганидек, предметлар ёки ходисаларнинг комик ҳоҳияти манتيқий алоқалардан маҳрум, яъни комиклик категорияси парадокс, алогизм, қарама-қаршиликка асосланади [9], зеро исталган ходиса мулақ жиддий бўлиши мумкин эмас ва ҳар доим ҳам қандайдир комикликни ўзида мужассам этади. Мавжуд комиклик когнитивли назарияларидан энг катта қимматга (аҳамиятга) эгалари қуйидагилардир:

1) Бисоциатив назария воқеликни инсон томонидан икки контекстда идрок этилиши тўғрисидаги фикрга асосланиб, бунда фикр-хаёл кескин тарзда бирдан иккинчисига ўтади, яъни комиклик руҳий жараёнлар натижасидир. Комикликнинг муҳим сабаби қутилмаганлик кўринишидаги когнитивли диссонанс ёки кучини келтириб чиқарадиган бисоциотив ларза ҳисобланади [10].

2) Семантик сценарийлар назарияси икки сценарийнинг ўтказгич воситасида бирикишидан иборат. Семантик ахборотни ташувчи сценарий инсоннинг ҳам лингвистик ҳам экстралингвистик

қобилятини шаклантиради. Икки сценарий бирлашганда инсон онгида қандайдир оппозиция пайдо бўлади (имконли/имконсиз, меъерий/номеъерий ва бошқа) ва бу комик эффект ҳосил бўлишга ёрдам беради [11].

Комикликни ўрганишга лингвопрагматик ёндашув комикликнинг коммуникатив моҳиятини очиқ кўрсатишга ёрдам беради. Комиклик яратилиши ва идрок этилиши моделини ўзида мужассамлаштирган С.Шмитнинг прагматик комиклик назариясига биноан, мазкур категория нуткий актлар назарияси нуктаи назарида тадқиқ қилинади [12].

Хулоса. Бундан келиб чиқиб, комик эффектга эришиш учун адресант-комиклик субъекти, комиклик объекти-яни устидан қулинаётган объект ва адресант– қулишга интилаётганинг иштироки зарурийдир. Бундан ташқари, комик ҳолат гувоҳи бўлган қузатувчи ҳам бўлиши мумкин. Комиклик қанчалик муваффақиятли тушунилиши мулоқот вазияти ҳамда адресант ва адресат, уларнинг билим-тажрибаси, коммуникатив юморли вазиятда иштирок этиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқдир. Юморнинг эмоционал мулоқот билан узвий алоқаси юморнинг тўғри тушунтирилиши ва идрокини таъминлайди. Мазкур ҳолатда қулги исталган перлокутив эффектни беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Калинцева М.О. Актуализация категории комического в тексте типа «анекдот» на испанском языке (лингвокогнитивный аспект). Автореф. дисс...канд.филол.наук. -Воронеж, 2013. С.6.
2. Философский энциклопедический словарь. М.: ИНФРА-М, 2002. С. 216.
3. Санников В.З. Русский язык в зеркале языковой игры. М: Языки славянской культуры, 2002. С.22.
4. Телятникова О.Н. Языковые средства выражения комической модальности (на материале произведений английской художественной литературы XVIII-XXI веков). Автореферат дисс... канд.филол.наук. – Самара, 2010. С. 14.
5. Шаховский 2003: Шаховский В.И. Эмоциональная коммуникация через языковую игру // Коммуникативные исследования 2003. Современная антология. – Волгоград: Перемена, 2003. С. 257.
6. Попченко И.В. Комическая картина мира как фрагмент эмоциональной картины мира. Дисс...канд.филол.наук. Волгоград, 2005. С. 55.
7. Карасик А.В. Язык, коммуникация и социальная среда. Вып.1. Воронеж, 2001. С. 22.
8. Желтухина М.Р. Комическое в политическом дискурсе. Дисс...канд.филол.наук. Волгоград, 2000. С. 5–10.
9. Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и ренессанса. М.: Худ.лит-ра, 1965.
10. Koestler A. The Act of Creation. – London: Arkana, 1989.
11. Raskin V. Semantic Mechanisms of Humor. – Dordrecht, Boston; Lancaster: D.Reidel Publishing Company, 1985.
12. Schmidt S.J. Komik im Beschreibungsmodell kommunikativer Handlungsspiele // Wolfgang Preisendanz/Rainer Warning (Hrsg.): Das Komische. – München: Wilhelm Fink, 1976.



Шахноза РУСТАМОВА,

Жиззах давлат педагогика институти таянч докторанти

E-mail: shaxnoza.rustamova.1983@gmail.com

ХРОНОЛОГИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ РАЗВИТИЯ ЕВРОПЕЙСКОЙ ТЕОРИИ ПЕРЕВОДА

Аннотация

В статье рассматриваются этапы хронологического развития теории перевода в узбекском и европейском переводоведении. Фрагментарный анализ необходимости показывает, что с самых ранних или самых ранних времен существовала тенденция понимать язык с лингвистической точки зрения, распознавать лингвистические и лингвистически-стилистические различия между языками, которые препятствуют межъязыковому общению. При использовании языков древними и раннесредневековыми теоретиками также было обнаружено, что существуют разные уровни, которые отличаются друг от друга, даже если это был родной язык или иностранный язык. Отмечается, что интерпретация материалов первого периода тесно связана с переводческой деятельностью и ее теоретическим пониманием как исторических категорий, материальной и духовной культуры того периода, которая выражается в языках, они основаны на художественных и научных знаниях.

Ключевые слова: интеллект, спектр, зачаток, фермент, интенсивность, манифестация, хронология, ракурс.

CHRONOLOGICAL CLASSIFICATION OF THE DEVELOPMENT OF EUROPEAN TRANSLATION THEORY

Annotation

The article examines the stages of chronological development of translation theory in Uzbek and European translation studies. Fragmentary analysis of necessity shows that from the earliest or antiquity there was a tendency to understand the language from a linguistic point of view, to recognize the linguistic and linguistic-stylistic differences between languages that hinder interlingual communication. In the use of languages by ancient and early medieval theorists, it was also found that there were different levels that differed from one another, even if it was a mother tongue or a foreign language. It is observed that the interpretation of materials of the first period is closely connected with the material and spiritual culture of that period, which is expressed in languages, and that such connections are increasingly complicated by people's social practice.

Keywords: intellect, range, rudiment, enzyme, intensity, manufacture, chronology, aspect.

ЕВРОПА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ТАРАҚҚИЎТИНИНГ ХРОНОЛОГИК ТАСНИФИ

Аннотация

Мақолада таржима назариясининг ўзбек ва европа таржимашунослигидаги хронологик ривожланиш босқичлари тадқиқ этилган. Зарурат юзасидан фрагментар даражада амалга оширилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, биринчи ёки қадимги даврлардан бошлаб муайян даражада тилни лингвистик нуктаи назардан англашга интилиш, тиллараро коммуникацияга ҳалал берадиган тиллар ўртасидаги лингвистик ва лингвостилистик турли тизимликни тан олишга интилиш сезилиб туради. Антик ва илк ўрта асрлар назариячилари томонидан тиллардан фойдаланишда у она тили ёки чет тили бўлса ҳам, ўзаро фарқланадиган турлича даражалар мавжудлиги ҳам аниқланди. Биринчи даврга доир материаллар талқини таржимонлик фаолиятини ва унинг назарий жиҳатдан тарихий категориялар сифатида англаб тушуниш, тилларда ўз ифодасини топган ўша даврнинг моддий ва маънавий маданияти билан узвий боғлиқ эканлиги уларнинг бадий ва илмий билимларга асосланганлигини ва бундай боғлиқликлар одамларнинг ижтимоий амалиёти билан тобора мураккаблашиб борганлиги кузатилади.

Калит сўзлар: интеллект, силсила, рудимент, фермент, интенсивлик, манифактура, хронология, ракурс.

Кириш. Мустақиллик йилларида ўзбек таржимашунослигида аввалдан мавжуд илмий анъаналар билан бир қаторда жаҳон таржимашунослигидаги янгича ёндашувларни ижодий ўзлаштириш ва тадқиқотларда фаол қўллаш тамойиллари шаклланди.

“Ўзбекистон илм-фани, интеллектуал салоҳият соҳасидаги замонавий кадрлар, юксак технологиялар

борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”[1]лиги таржимашунослик фани олдида ҳам назарий тадқиқотларни, жаҳон андозалари даражасида юксалтириш мажбуриятини қўяди.

Асосий қисм. Таржима назариясига бағишланган илк тадқиқотлар ўтган асрнинг 20-йилларида юзага кела бошлаган бўлсада, уларда ҳали

таржима назарияси фан сифатида эътироф этилган аниқ фикрлар билдирилмаган.

Таржима назариясини фан сифатида таърифловчи дастлабки илмий изланишлар ХХ асрнинг 50-йилларида эълон қилина бошлади. 2) Жумладан рус олимлари Иван Кашкин ва .А.Рефортский, француз олимлари Э.Кари ва Ж.Мунен, инглиз олимлари Т.Савори ва Ж.Кэтфорд, немис олими Отто Каделарнинг таржима назарияси хусусидаги мақолалари эълон қилинган, бу соҳада баҳс мунозаралар бошланиб кетди. Кейинчалик А.В.Федоров, П.Топер, Р.Якобсон, Ю.Найда, Г.Гачечиладзе, Е.Эткинд, А.В.Кунин, Л.Бархударов, В.Комиссаров сингари филолог олимлар таржима назариясининг мустақил филологик фан эканини эътироф этдилар[2].

Бугунги кунга келиб, таржима назарияси умумфилологик фан сифатда дунё илм-фанида тан олинди ва ривожланиш йўлида дадил қадам ташламоқда.

Хуллас эндиликда таржима назарияси фанининг объектлари турли йўналишдаги тадқиқотларда ўз тақомилини топмоқда. Шу йўналишлардан бири жаҳон таржима амалиёти ва назарияси тарихини даврлар силсиласида тадқиқ этишдан иборатдир.

Бундай тарихий экскурсдан мақсад тарихни ўрганиш учун эмас, уни замонавий нуқтаи назардан талқин қилиш, ани пайтда таржиманинг ўз тарихи ва назарияси мавжудлигини инкор қилаётган, қадимий сўз санъати ҳисобланмиш бу назария ўтган даврлардан буён қарийб ўзгармай келаётганлигини таъкидлаётган айрим тадқиқотлардаги ёндашувларни рад этишдан иборатдир.

Таржима назарияси тарихига бағишланган тадқиқот яратиш жараёнида қуйидаги методологик ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўларди. Яъни, бадиий таржима тарихи ва назарияси ўзининг барча мураккабликлари ва ҳар бир мамлакатнинг миллий ва тарихий ўзига хосликлари билан турли-туман бўлиб туюлса-да, у ани пайтда инсониятнинг бадиий ривожланишини ўзида акс эттирувчи эркин бадиий (яъни оригинал) ижод тури ва уни ўрганувчи фан тармоғи ҳамдир[3]. Бу ўз навбатида тилларнинг умумий ривожланиши, турлича аниқ тилларни тадқиқ қилувчи тилшунослик ва бошқа фанларнинг ривожланиши жараёни билан ҳам узвий боғлиқдир. Бадиий таржима тарихи ва назариясини ўрганиш жараёнида муаммонинг ва таржима методларининг ривожланиши, уларни назарий англаниши бўш жойларда эмас, жамият ва тил, бадиий ижод ва уларга боғлиқ бўлган фанлар тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда узоқ давом этган анъаналар ва тарихий янгиликлар асосида шаклланган. Бу жараёнда таржима амалиёти ижодий тафаккур каби (бу соҳа билан барча одамлар шуғулланмасалар ҳам) ҳеч қачон тўхтаб қолмаганлигини таъкидлаш жоиз. Маданиятнинг барча жабҳаларида ҳар доим ўтмиш рудимент (ўз аҳамиятини йўқотган)ларини ва келажак фермент

(ривожланиш)ларини, яъни жонли табиат ривожиди аниқ ўз ифодасини топган ҳодисаларни кузатиш мумкин. Назаримизда бундай ёндашув бизни қандайдир даражада бой ва турғунлашган европача таржима анъаналари ҳисобланмиш европоцентризмга йўналтирилган схематизм (содаллаштириш; бир схемага солиш) ва модернизация (замонавийлаштириш) таъсиридан қутқаради. Бу, биринчидан, таржима амалиёти ва назариясига доир тадқиқотлар ҳеч жойда ва ҳеч қачон бунчалик кўп амалга оширилмаганлиги билан боғлиқ. Шу ўринда Европа мамлакатларида турлича қиёсий тадқиқотларга доир мавзу ва материалларнинг кўплигини ҳам ҳисобга олмоқ жоиз. Иккинчидан, айнан Европада таржима назариясига доир баҳслар, таржима амалиётига оид ким ўзарлик мусобақалари жуда кўп уюштирилиб келинганлигини ҳам эътибордан четга қолдирмаслик лозим. Дарвоқе, европа тилларнинг биридан иккинчисига бадиий таржима амалиётининг турлича имкониятлари синаб кўрилди ва бу жараён ҳамон давом этиб келаётганлигини, дунёнинг бошқа тилларидан ҳинд-европа тилларига таржима ва ҳинд-европа тилларидан бошқа тилларга таржима қилиш ҳам интенсив ривожланиб келаётганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Яна шуниси эътиборга моликки, айнан Европада таржима билан у ёки бу даражада фан, санъат ва маданиятнинг буюк намоёндалари ҳам шуғулланишган. Тўғри, бу ўринда ўзларининг варварлар устидан устунликларини намоён қилган юнонларни истесно сифатида келтириш мумкин. Уларнинг фикрича варварларнинг ўзлари юнон тилига хурмат ила қарашсин ва уни ўрганишга мойиллик сезсин деган гоё ётган. Дарвоқе бу анъана Александр Македонский ҳукмронлиги давригача давом этган. Македонский даврида эса унинг ҳарбий юришлари Ўртаер денгизи ховзасида эллинизмнинг кучайишига олиб келди. Орадан икки аср ўтгач, Юнонистонни ўз тасарруфига ўтказган жанговор Рим ҳам қадим юнон тили ва маданияти асирига айланди. Қўлимизда ҳали қадимий юнон маданияти ва адабиётининг дастлаб таржима орқали ривожланганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаседа, умумий таржима амалиёти юқорида таъкидлаганимиздек, барча янги миллатлар адабиёти ва маданиятининг равнақи учун катта таъсир кўрсатди.

Тиллар ва тиллараро мулоқотнинг равнақ топиши ҳам ўз навбатида таржима назариясининг ривожланишига туртки бўладиган асосий омиллардан биридир. Дастлаб, тиллар ўзларининг лингвостатистик ва лингвистик хусусиятлари билан ўзаро фарқланишлари сабабли таржима жараёнида катта қийинчиликлар туғилишига сабаб бўлди. Иккинчидан, ўз навбатида таржима ҳам тобора тақомиллаша борди ва бу: а) сўз ва тушунчага доир ҳамма халқлар учун умумий бўлган тафаккурнинг ривожланиши туфайли юз берди ва бу тилларнинг мантиқий тушуниш функциясини кенгайтишига олиб келди; б) оригинал адабиётнинг ривожланиши юксак даражадаги адабиётнинг шаклланишига катта таъсир

кўрсатди; в) таржима амалиётини тушунтириш ва таржимонга ёрдам кўрсатиш зарурати туфайли таржима назарияси тобора адабиётшунослик, тилшунослик ва бошқа гуманитар фанлар қўлга киритган ютуқлардан ҳам фойдалана бошлади. Охир оқибат, назария гоҳо амалиётдан бирмунча узоқлашиб кетган ҳолатлар юзага келдики, назария ҳам амалиёт ҳам узоқ вақтлар ўз ҳолича мавжуд бўлган бўлсада, гоҳо уларнинг ўзаро узвий боғланиши, назария амалиётга тадбиқ қилинган ҳолатида ҳам ривожланишини кузатиш мумкин, аммо бундай ҳолат таржима тарихида жуда кам учрайди. Ҳозирга қадар, немис олими А.Нойберт томонидан илгари сурилган куйидаги фикр таржимон ва таржимашунослар олдида ушалмас орзу тарзида сақланиб келинапти: “Қачонки, таржима амалиёти “таржимоннинг буюк иқтидорига” ва “синаш ва хатолар”ига таянилса, назариянинг ортга чекинишига сабаб бўлади, таржима назариясига суянилмай вужудга келган муваффақиятли таржималар кам учрайдиган тасодифий ҳолатлардир. Таржима амалиёти таржима назариясига асосланса ва махсус тайёргарликдан ўтган таржимонлар томонидан амалга оширилса, таржима асарларини нашр қилиниши манифактура ҳолатидан ишлаб чиқарувчи саноат даражасига кўтарилади”[4].

Маълумки, давлатчиликнинг вужудга келиши билан одамларнинг синфий қатламларга бўлиниши, тарихгача бўлган даврларга нисбатан кўплаб фақуллодда муҳим янгиликларни юзага келтирди,

улар орасида ёзувнинг вужудга келиши инсоният томонидан қўлга киритилган катта ютуқ бўлди. Олимлар синфлар ва давлатнинг вужудга келишини бевосита ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ деб таъкидлашлари бежиз эмас. Бунинг натижасида ҳарfli сўз ва уни ижодий қўллаб ёзиш кашф қилинди. Бундай жараённинг кейинги даврларда янада такомиллашуви ҳақидаги маълумотларни кўплаб тадқиқотларда учратишимиз мумкин. Жумлалан, бу масаланинг энг тўлиқ ечими назаримизда рус олими В.И.Истриннинг тадқиқотида ўз ифодасини топган. Унинг фикрича ёзувнинг вужудга келиши буюк ижтимоий бурилиш сифатида кўп асрлик мураккаб ривожланиш натижасидир[5].

Хулоса. Таржима амалиёти ва таржима назариясини, жумладан бадиий таржима жараёнини аниқ тарихий даврларга бўлиб ўрганиш инсоният маънавий ривожланишининг хронологик босқичларига, кўп асрлик маданиятнинг ривож босқичларига, шунингдек оламнинг ижтимоий тарихий хронологик босқичларига мос келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, инсоният ёзма адабиёти тарихида таржима амалиёти ва назариясининг то XX асргача даврида куйидаги уч босқичи аниқ кўзга ташланади: 1. Қуллик ва феодализм даврларини ўз ичига олувчи қадимий босқич; 2. Капитал жамғарилишининг илк давридан то XVIII аср илмий-техникавий инқилоб даврини ўз ичига олувчи босқич; 3. XVIII аср охири ва XIX асрни ўз ичига олувчи босқич.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожатномаси //“Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 23 декабр.
2. Абдуазизов А, Холбеков М. Атоқли таржима назарийчиси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2012, 50-сон.
3. Холбеков.М.Таржима назарияси фан сифатида // Холбеков.М. Таржимашунослик ва таржима танқиди;- Тошкент; “Наврўз нашриёти” 2015.-5.5-23.
4. Neubert A. In: Fremdsprachen. 11. 1968. S.V, S.172.
5. Истрин В.А. Возникновение и развитие письма. М., 1965. С.53-59.



УДК 4 ББК 81.2 Ист-5

Тулкин СУЛТАНОВ,
*«Ипак йўли» туризм халқаро университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ORCID ID: 0000-0002-5282-746X
E-mail: tulkin.sultanov@univ-silkroad.uz*

ISSUES OF STUDYING THE LITERARY HERITAGE OF MUHAMMAD SULTAN VALAD

Abstract

Sheikh Bahauddin Muhammad (Mehmed) Sultan Walad ibn Mawlana Jalaliddin, poet and Mawlawi sheikh who lived and worked in Turkey in the 13th and 14th centuries, is one of the founders of Ottoman Turkish literature. From Sultan Walad to us there is a diwan, a poetic work called “Masnaviyati Waladiya” consisting of epics such as “Ibtidonoma” (“Waladnoma”), “Rubobnoma”, “Intihonoma” and a prose work called “Maorif”. Sultan Walad developed the traditions of mystical works written in Persian in Turkish literature. Due to the demands of the literary traditions of the time, he wrote most of his works in Persian, while most people who did not understand Persian wrote some in Turkish in order to acquaint them with the essence of Jalaliddin Rumi’s advices. He also continued the path of Mawlawi-ism, that is, the tariqat started by his father, Jalaliddin Mawlawi Rumi, developed and improved its rules, and led the establishment of Mawlawi communities in Konya and other cities. In this article researches on the life, creation and works of Bahauddin Muhammad Sultan Walad by Turkish, Persian, Uzbek, French and Spanish scholars is analyzed. Also, comparatively studied the scientific ideas on the content, idea and structure of Sultan Walad’s diwan, a poetic work called “Masnaviyati Waladiya” consisting of epics such as “Ibtidonoma” (“Waladnoma”), “Rubobnoma”, “Intihonoma” and a prose work called “Maorif”.

Keywords: Mawlawi-ism, mysticism, Ottoman Turkish literature, poetry, diwan, epic, verse, metrical system, tariqat, tradition.

ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО НАСЛЕДИЯ МУХАММАДА СУЛТАНА ВАЛАДА

Аннотация

Поэт и шейх Мавлави Бахауддин Мухаммеда (Мехмеда) Султан Валад ибн Мавлана Джалалиддин, который жил и работал в Турции в XIII-XIV веках, является одним из основателей турецкой османской литературы. От Султана Валада до нас есть диван, поэтическая работа под названием «Маснавияти Валадия», состоящая из таких эпоей, как «Ибтидонома» («Валаднома»), «Рубобнома», «Интихонома» и прозаическая работа под названием «Маориф». Султан Валад развил традиции мистических произведений, написанных на персидском языке в турецкой литературе. Из-за требований литературных традиций того времени он написал большинство своих работ на персидском языке, в то время как большинство людей, которые не понимали персидский, он написал некоторые на турецком языке, чтобы насладиться сущностью совета Джалалиддина Руми. Он также продолжил тарикат мавлявия, то есть путь, созданная его отцом, Джалалиддином Мавляви Руми, разработал и улучшил свои правила и возгласил создание общин мавлявия в Конье и других городах. В этой статье анализируются исследования жизни, работы и творчества Бахудида Мухаммеда Султана Валада, выполненные турецкими, персидскими, узбекскими, французскими и испанскими учеными. Также проведено сравнительное изучение научных идей по содержанию, идее и структуре диван, поэтическая работа под названием «Маснавияти Валадия», состоящая из таких эпоей, как «Ибтидонома» («Валаднома»), «Рубобнома», «Интихонома» и прозаическая работа под названием «Маориф» Султана Валада.

Ключевые слова: мавлявия, мистицизм, турецкая османская литература, поэзия, диван, эпос, байт, метрическая система, тарикат, традиция.

МУХАММАД СУЛТОН ВАЛАДНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация

XIII-XIV асрларда Туркия худудида яшаб ижод этган шоир ва мавлавийлик шайхи Бахоуддин Мухаммад (Мехмед) Султон Валад ибн Мавлоно Жалолиддин усмонли турк адабиётининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Султон Валаддан бизгача бир девон, «Ибтидонома» («Валаднома»), «Рубобнома», «Интихонома» каби дostonлардан иборат «Маснавияти Валадия» номли назмий асар ва «Маориф» номли насрий асар етиб келган. Султон Валад форс тилида ёзилган тасаввуфий асарлар аънаналарини турк адабиётида ривожлантирди. Ўша давр адабий аънаналари талабидан келиб чиқиб, асарларининг катта қисмини форс тилида ёзган бўлса, форсчани тушунмайдиган кўпчилик одамларни Жалолиддин Румий насихатлари моҳиятидан баҳраманд қилиш мақсадида бир қисмини турк тилида қаламга олган. Шунингдек, у

мавлавийлик, яъни отаси Жалолиддин Мавлавий Румий бошлаб берган тариқат йўлини давом эттирди, унинг қоидаларини ишлаб чиқиб, такомиллаштирди, Кония ва бошқа шаҳарларда мавлавийлик жамоаларининг ташкил этилишига раҳнамолик қилди. Ушбу мақолада Баҳоуддин Муҳаммад Султон Валаднинг ҳаёти, ижоди ва асарлари бўйича турк, форс, ўзбек, француз, испан олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Султон Валаднинг девони, «Ибтидонома» («Валаднома»), «Рубобнома», «Интихоннома» каби дostonлардан иборат «Маснавияти Валадия» номли назмий асари ва «Маориф» номли насрий асари мазмуни, ғояси, тузилиши бўйича билдирилган илмий фикрлар қиёсий тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: мавлавийлик, тасаввуф, усмонли турк адабиёти, шеърят, девон, дoston, байт, вазн, тариқат, анъана.

Кириш. XIII-XIV асрларда Салжукийлар хукмронлиги даврида яшаб ижод этган Муҳаммад (Меҳмед) Баҳоуддин ибн Мавлоно Жалолиддини Султон Валад турк адабиётининг илк намуналарини поэтик маҳорат билан яратган шоир ва носир ҳисобланади. У буюк турк мутасаввиф шоири Мавлоно Жалолиддин Румий ва самарқандлик шайх Шарафиддиннинг қизи Гавҳар Хотуннинг ўғли бўлиб, 1226 йил 25 раби ул-аввал ойида Онадўлиннинг Қахрамон (Лоранда) шаҳарчасида туғилган [20]. Султон Валад силсиласининг бир учи Ўзбекистонга келиб тақалади. Чунки чаҳорёрлардан Абу Бақр Сиддиқ авлодидан бўлган бобоси сўфийлик тариқатининг буюк вакили Баҳоуддин Валаднинг отаси замонасининг эътиборли алломаси Ҳусайн Хатиб, онаси эса Алоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи эди.

Султон Валаднинг бобоси Баҳоуддин Валад кубравиййа тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро муридларидан бўлиб, унинг “Ал-Маориф” асари фарзанди – келажакда тасаввуф оламининг энг буюк намояндасига айланган Мавлоно Жалолиддин Румий ва невараси – туркий адабиётнинг илк шоирларидан бири Баҳоуддин Султон Валаднинг дунёкараши шаклланишида муҳим таъсир кўрсатган.

Асосий қисм. Султон Валад онасидан эрта ажралгач, унинг тарбияси билан энагаси Кирам она, ўғай онаси Кира Хотуннинг онаси Буюк Кира Хотун ва отаси Жалолиддин Румий шуғулланишган. У илк таълимни отасидан ўргангандан сўнг, укаси Алауддин билан биргаликда бобоси Шайх Шарафиддин бошчилигида аввал Халабда, кейин Шомда таҳсил олади. Араб тили ва диний илмларни пухта ўрганган Султон Валад Конияга қайтиб, отаси Жалолиддин Румийнинг илмий, диний ва тасаввуфий суҳбатларида иштирок этади.

У маърифатли оилада тарбия кўриш билан чекланмай, Сайид Бурхониддин, Муҳаккиқ Термизий, Шамсиддин Табризий, Салоҳиддин Зарқуб ва Ҳусомиддин Чалабий каби устозлардан таълим олган [20]. Мавлавийлик тарихининг мусаннифларидан Афлокийнинг “Маноқиб ул-орифин” асарида ёзилишича, Мавлоно Румий ўғлини дастлаб ўзининг буюк маслақдоши Шамсиддин Табризийга муридликка берган, сўнгра 1273 йилда отаси вафотидан сўнг Султон Валад Ҳусомиддин Чалабийга мурид бўлиш орқали илму маърифатда фазлу карам эгаси бўлиб етишган. Султон Валад отасининг вафотидан кейин Шайх Салоҳиддин

Зарқуб ҳурматини қозониб, унинг қизи Фотима Хотунга уйланади ва Жалолиддин Амир Ориф Чалабий, Мутахҳара Хотун ва Шараф Хотун каби фарзандларга ота бўлади [5].

Султон Валаднинг Фотима Хотундан бошқа яна икки хотини бўлган. У Нусрат ва Сунбула Хотун исмли икки аёлга уйланиб, уларнинг биридан бир нафар (Чалабий Обид) ва иккинчисидан икки нафар (Шамсиддин Амир Зоҳид ва Султон Ҳусомиддин Вожид) фарзанди бўлган [5].

Баҳоуддин Султон Валад отаси Жалолиддин Румий истагига биноан халифа этиб тайинланган Ҳусомиддин Чалабийга астойдил хизмат қилади. 1284 йилда устози Ҳусомиддин Чалабий вафот этгандан сўнг, халифаликни қабул қилиб, умрининг охирига қадар мавлавийлик тариқатининг тизимли тарзда қурилиши учун ҳаракат қилади ва отаси асос солган тариқатнинг одобига бир қанча янги усуллар, қоидалар қўшади, Кониядан ташқарида хонақоҳ ва кичик хонақоҳлар қурдиради [12].

Алауддин Кайқубод I хукмронлигидан сўнг Онадўли мўғуллар мустамакасига айланади. Мўғул хукмдорларининг зулмидан эзилган халқ маънавий бахт ва ҳузур бағишлайдиган шайхлар кўмагига эҳтиёж сезади. Ана шундай вазият Султон Валадга отаси Жалолиддин Румий қарашларини кенг ёйиш учун қулай шароит яратди. Шу тариқа Султон Валад 90 йиллик умрини тасаввуф таълимотини ўргатиш орқали ўтказиб, мавлавийликнинг мукамал тариқат ҳолига келишига катта ҳисса қўшди ва 1312 йил 10 Ражаб ойида Конияда вафот этди.

Султон Валад форс, араб, турк ва юнон тилларини билган ва бу тилларда ўзидан бой адабий мерос қолдирган. У насрда ҳам, назмда ҳам отаси Жалолиддин Румий адабий анъаналарини давом эттириб, халққа тушунарли услубда ижод қилди. Султон Валад турк ва юнон тилларини форс ва араб тилларичалик кучли билмаган. Буни шоир «Валаднома» асарида қуйидагича эътироф этган:

Турк тилидаги матн:

Türkçe, rumca söylemeyi bırak; çünkü o terimlerden yoksunsun,

Ama farsça, arapça söyle; çünkü o iki dilde de hoş bir halde at koşturmadasın [16].

Ўзбек тилидаги матн:

Туркча ва юнонча сўзлашни қўй, чунки у атамалардан маҳрумсан,

Аммо форсча ва арабча сўзла, чунки у икки тилда ҳам хуш ҳолда от чоптиряпсан.

Султон Валад форс тилида ёзилган тасаввуфий асарлар анъаналарини турк адабиётида ривожлантирди. Уша давр адабий анъаналари талабидан келиб чиқиб, асарларининг катта қисмини форс тилида ёзган бўлса, форсчани тушунмайдиган кўпчилик одамларни Жалолиддин Румий насихатлари моҳиятидан бебахра қолдирмаслик мақсадида бир қисмини турк тилида қаламга олган. Султон Валад ижод маҳсули бўлган «Рубобнома» асаридан келтирилган куйидаги мисралар фикримизни тасдиқлайди:

Турк тилидаги матн:

*Türkçe bilseydüm, adaydum ben size
Sırları, kim Tenriden degdi bize.
Bildireydüm söz ile bildüğümü,
Bildireydüm ben size bulduğümü*[22].

Ўзбек тилидаги матн:

*Туркча билсайдим мен айтардим сизга,
Сирларниким Тангридан тегди бизга.
Билдирардим сўз ила билганимни,
Топдирардим мен сизга топганимни.*

Султон Валаддан бизгача бир девон, «Ибтидонома» («Валаднома»), «Рубобнома», «Интихонома» каби дostonлардан иборат «Маснавияти Валадия» номли назмий асар ва «Маориф» номли насрий асар етиб келган.

«Девон»

Султон Валад 1267-1291 йилларда форс, араб, турк ва юнон тилларида ёзган шеърларини жамлаб, «Девон» тартиб берди. Аруз вазнининг 29 бахридан фойдаланиб ёзилган ушбу девонга форсча (826 ғазал, 32 қасида, 9 қитъа, 10 таржеъбанд ва таркиббанд, 23 мусаммаг ва 451 рубой), арабча (1 форсча-арабча муламмаъ, 9 ғазал, 3 рубой, форсча бир ғазал ичида 3 байт), туркча (1 форсча-туркча муламмаъ, 15 ғазал) ва юнонча (2 байт, 1 форсча-туркча, форсча-арабча ва форсча-юнонча муламмаъ) шеърлар киритилган. Девоннинг умумий ҳажми Фаридун Нафиз Узлук нашрида ёзилишича, 12719 байт [15]; Аскарари Раббоний чоп эттирган нашрга кўра эса 13335 байт [4]дан иборат.

Девонидаги ҳар бир лирик жанрда Жалолиддин Румий қўллаган ғоя, мазмун, услуб, вазн, қофия, радиф, сўзлар ва бадий санъатларга ҳамоҳанглик жиҳатлари кўзга ташланади [1]. Шунингдек, ушбу тўпламдаги Қилич Арслон, Тождин Хусайн, Амин Аломиддин Қайсар, Муиниддин Парвона, Соҳиб ота Фахриддин Али, Гунаш Хотун, Салжук Хотун ва Табиб Акмалиддин каби шахсларга бағишлаб ёзилган мадҳия ва марсиялардан ташқари, барча ғазаллар тасаввуфий ва дидактик мазмунга эгаллиги билан ажралиб туради.

Султон Валаднинг шеърлари “Девони Султон Валад” [15] номи билан 1925 йилда Валад Чалабий, 1941 йилда Фаридун Нафиз томонидан чоп этилди. Велис Дегирменчай ушбу девонни турк тилига таржима қилиб, 2016 йилда «Султон Валад девони» [14] номи билан Истанбулда «Демавенд яйинлари» нашриётида чоп эттирди.

Ушбу девондаги туркий шеърларига асосланиб, уни Онадўлида туркий тилда асар ёзган илк адиб дейишимиз мумкин.

«Ибтидонома» («Валаднома»)

«Маснавияти Валадия» асарининг биринчи дostonи бўлган «Ибтидонома» дostonи 1291 йилда ҳафиф бахрининг фоилотун мафойилун фоилун (фаълун) вазнида назм ва наср йўлида ёзилган. Насрий жиҳат муқаддима, фасллар ва манзумаларнинг хулоса қисмида учраса, назмий хусусият 9007 байтли 165 сарлавҳада кўзга ташланади. Дostonдаги байтлардан 76 байти туркча, 180 байти арабча ва 23 байти юнончадир [7].

Мавлоно Жалолиддин Румий, Саййид Бурхониддин Муҳакқиқ Термизий, Шамсиддин Табризий, Салоҳиддин Зарқуб, Шайх Каримуддин Бектемур каби буюк авлиёларнинг таржимаи ҳоли, ҳаётий воқеалари, фазилатлари ҳақида маълумот бериш учун ёзилган мазкур адабий манбада диний мавзуларга ҳам ўрин берилган.

«Валаднома» дostonи Жалол Хумоий томонидан 1936 йилда Техронда «Маснавийи Валадий, ба баҳри ҳафиф маъруф ба Валаднома» [21] номи билан нашр этилди. 1976 йилда Истанбул университети адабиёт факультети олими Жамшид Карабейўғли томонидан «Султон Валад. Маснавийи Валадий, Валаднома» [7] мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Абдулбоқи Гўлпинарли ушбу асарни турк тилига таржима қилиб, 1976, 2014 ва 2017 йилларда «Султон Валад. Ибтидонома» [16] [17] [18] номи билан Анқарада нашр қилди.

«Рубобнома»

Султон Валаднинг дўстлари таклифи билан ёзилган ушбу асарга бу ном дostonнинг «Рубобнинг йиғлаб инграшидан ишққа оид турли нукталарни тингланг» [22:4] мисраси билан бошланганлиги ва рубоб сабабли қаламга олинганлиги учун берилган. Бу дoston 1301 йилда Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маснавий» асари каби рамал бахрининг фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (фоилон) вазнида назм ва наср йўлида ёзилган [2]. Асар 106 сарлавҳа ва 8124 байтдан иборат бўлиб, унда форсчадан ташқари, 162 туркча, 36 арабча ва 22 юнонча байтлар мавжуд [2].

«Рубобнома» асарида инсонларнинг Ҳақ Таоло амрига ва пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатига итоат этган ҳолда яшашлари хусусида насихатлар берилган, Қуръон оятларидан турли мисоллар келтирилган ва тарикатнинг шarti бўлган жиҳатлар қаламга олинган. Шунингдек, Жалолиддин Румий ва мавлавийлик тарикати халифалари билан боғлиқ қисқа ифодалар ҳам келтирилган. Ушбу дoston 1377 йилда Техронда Али Султоний Гирд Фаромарзий томонидан «Рабобнома аз Султон Валад» [13] номи билан нашр этилган. 1996 йилда Арзрум Отатурк университети Ижтимоий фанлар институти тадқиқотчиси Вейис Дегирменчай «Султон Валад ва Рубобнома» [2] мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2011 йилда Ниғдели

Ҳаққи Эрўғли томонидан турк тилига насрий усулда таржима қилиниб, «Рубобнома» [22] номи билан Истанбулда нашр этилди.

«Интихонома»

Султон Валаднинг учинчи ва охиригиди дostonи бўлганлиги сабабли унга «Интихонома» номи берилган. Бу асар 1303-1312 йилларда «Рубобнома» каби рамал баҳрининг фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (фоилон) вазнида назмий ва насрий усулда форс тилида ёзилган. Истанбул университети Форс кўлэмалари бўлими 1009-рақамли кўлэммага кўра, асар муқаддимадан ташқари 120 сарлавҳа ва 8313 байтдан иборат [1].

Ушбу асарда ҳам ваъз ва насиҳатларга кўшимча равишда тариқатнинг шартли жиҳатлари такрорланган, шунингдек, Жалолиддин Румийнинг Шамсга боғланишдан олдинги ҳаёти, Шамсга боғланиши ва Шамснинг олдин сира само қилмаган Румийни самога бошлаши, самонинг барча муридлар томонидан ижро этилиши ва само билан боғлиқ бир қанча қисқа таърифлар ҳам ўрин олган. Бу асар хижрий 1374 йилда Техронда Муҳаммад Али Ҳизонадорли томонидан «Интихономаи Султон Валад» [9] номи билан нашр этилган. 1946 йилда Ниғдали Ҳаққи Эрўғли томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган асар илк марта Ҳуля Кучук томонидан 2012 йилда «Таржимаи Интихономаи Султон Валад» (тадқиқот, матн) номи билан ҳозирги турк алифбосига ўгирилган ҳолда нашр этилди [24].

«Маориф»

Султон Валаднинг насрий усулда форс тилида ёзган асари бўлиб, унда мавлавийлик тариқатини ривожлантириш масалалари атрофича ёритилган. «Маориф» дostonи турли ҳажмдаги 56 фаслдан ташкил топган. Уларда тавҳид ва тасаввуфга оид ақидалар, тариқат одоби ва шариатга доир қоидалар шарҳланган ҳамда исботи сифатида оятлар ва ҳадислар келтирилган.

«Маориф» асари илк марта Эронда 1333 йилда Жалолиддин Румий қаламига мансуб «Фийҳи ма фийҳ» асарининг иккинчи жилди сифатида, иккинчи марта 1347 йилда ва кейин 1377 йилда Техронда Нажиб Мойил Ҳаравийнинг мавлавийлар, асарлари ва Султон Валад ҳақидаги 24 саҳифалик бир муқаддимаси билан биргаликда чоп этилган [8].

«Маориф» асари турк, француз ва испан тилларига таржима қилинган. Бу дostonни Мелиҳа Улкер Анбаржиоғлу турк тилига ўгириб, «Султон Валад. Маориф» [20] [19] номи билан 1949, 1966, 1974, 1984, 2017 йилларда чоп эттирган. Французча таржимаси 1982 йилда Эва де Витрай-Мейерович томонидан «Maitre et Disciple. Kitâb el-Ma'ârif (by Sultân Veled) (Шайх ва муриди. Китоб ал-Маориф)» [6] номи билан Парижда «Синдбод» нашриётида нашр этилди. Испанча таржимаси эса, 2003 йилда «Maestro U Discipulo (Шайх ва муриди)» [23] номи остида муаллифлар жамоаси томонидан амалга оширилди ва чоп этилди. «Маориф» асаридан беш фасл илк бор ўзбек тилида профессор Нажмиддин Комилов томонидан таржима қилиниб, 1997 йилда

Тошкентда «Маънавият» нашриётида «Баҳоуддин Султон Валад. Маориф / Комил инсон ҳақида тўрт рисола» [10] номи билан чоп этилди.

Султон Валаднинг туркий тилдаги ижодига катта аҳамият қаратган В.Радлов, К.Залеман, М.Хартман каби шарқшунос олимлар уни турк адабиётининг илк муаллифларидан деб билишган. Ушбу олимларнинг бундай хулосага келишига шоирнинг «Девон»идаги 15 туркча ғазали эмас, балки «Маснавийати Валадия» номли 25450 байтдан иборат уч жилдлик маърифий асари ҳам асос бўлган. Чунки ушбу асар таркибига кирган «Ибтидонома» («Валаднома»)да 73, «Рубобнома»да 162 ва «Интихонома»да 26 туркий байт мавжуд [11].

Султон Валад араб ва юнон тилларида ҳам шеърлар яратган. Жумладан, девонидаги 8 ғазали, 3 рубойиси ва форсча бир ғазал ичидаги 3 байти, «Валаднома»даги 180 ва «Рубобнома»даги 36 байти араб тилида ёзилган бўлса; девонидаги 21, «Валаднома»даги 23 ва «Рубобнома»даги 22 байти юнон тилида қаламга олинган [3].

Султон Валаднинг лирик мероси бўйича Ж.В.Ҳаммер, М.Викерхаусер, В.Радлов, Ж.Салеман, И.Кунос, Ж.Тури, К.Фой каби ғарблик шарқшунослар тадқиқотлар олиб боришган [11]. Туркча шеърларининг барчаси дастлаб Валад Чалабий томонидан эски алифбода «Девони Туркийи Султон Валад» номи билан 1341 йилда, кейин Маждуд Мансурўғли томонидан шеърларининг лисоний хусусиятлари таҳлил қилинган ҳолда «Султон Валаднинг туркча манзумалари» 1958 йилда Истанбулда нашр эттирилди [11]. Шоирнинг арабча шеърлари Вейис Дегирменчай томонидан турк тилига таржима қилиниб, «Султон Валаднинг арабча шеърлари» номи остида 1996 йилда Эрзурумда чоп этилди [3]. Юнонча шеърлари бўйича фақат «Рубобнома» асаридаги юнонча байтлар бўйича Ҳ.Вамбери, Ж.Салеман, Ж.В.Ҳаммер ва Г.Мейер каби олимлар тадқиқотлар олиб боришди [11].

Хулоса. Умуман олганда, Султон Валаднинг шоир ва адиб сифатидаги адабий мероси форс ва турк адабиётида салмоқли ўрин эгаллайди. Турк олими Абдуллоки Гўлпинарлининг қайд этишича, Султон Валаднинг насрий асарларида баёнчилик эмас, балки отаси каби воқеани занжирли тарзда тушунтириш усули етакчилик қилади. Жумладан, унинг қаламига мансуб насрий асарларда муайян ҳодиса баён этилаётганда, фикрнинг далили сифатида турли баҳс-мунозарали қарашлар келтирилади. Ушбу баҳсларнинг тили равон, содда ва илмий манбаси аниқдир [1].

Султон Валаднинг тасаввуфий, фалсафий руҳда турк тилида биринчи бўлиб асар яратганлигини адабиёт олдидаги асосий хизмати сифатида эътироф этиш мумкин. Унинг девони, «Ибтидонома» («Валаднома»), «Рубобнома», «Интихонома» каби дostonлардан иборат «Маснавийати Валадия» номли назмий асари ва «Маориф» номли насрий асари XIII-XIV асрлар адабий маҳсули, тил хусусиятлари жиҳатидан

кимматбаҳо меросдир. Турк тилида адабий асарлар яратишга муҳим ҳисса қўшган шоир мавлавийлик моҳиятини ўз асарлари орқали содда тилда, оддий мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Султон Валад ҳаёти, ижоди ва асарлари асосан Туркияда ва қисман бошқа мамлакатларда ўрганилган бўлса-да, шоир адабий мероси ҳали тўлиқ

тадқиқ этилмаган. Муҳаммад (Меҳмед) Баҳоуддин ибн Мавлоно Жалолиддини Султон Валаднинг асарларини хорижий тиллар, хусусан, ўзбек тилига таржима қилиб нашр қилиш, шоир адабий меросида ифодаланган тасаввуфий, фалсафий, ижтимоий ва маънавий-маърифий ғояларни тадқиқ этиш бугунги давр учун аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Abdülbâki Gölpınarlı. Mevlânâ'dan Sonra Mevlevilik. – İstanbul: İnkilâp kitabevi, 1983. – 571 s.
2. Değirmençay Veyis. Sultan Veled ve Rebabnâme. Basılmamış Doktora Tezi. Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Erzurum, 1996.
3. Değirmençay Veyis. Sultan Veled'in Arapça Şiirleri. – Erzurum, 1996.
4. Dîvân-ı Sultan Veled. Haz: Asgar-i Rabbânî. – Tahran, 1338.
5. Eflâkî Ahmed. Menâkibü'l-Ârifin. Haz. Tahsin Yazıcı, 2c. – Ankara:TTK Basımevi, (c.I)1976 – (c.II)1980.
6. Eve de Vitray-Meyerotitch. Maitre et Disciple. Kitâb el-Ma'ârif (by Sultân Veled). – Paris: Sindbad, 1982. – 189 p.
7. Garabeiglu Djamchid. Sultân Valad: Hayatı, Eserleri ve Masnavi-i Valadî'nin Tenkitli Metni. Basılmamış Doktora Tezi. İstanbul Üniversitesi, Edebiyat Fakültesi, İstanbul, 1976.
8. Hülya Küçük. Sultan Veled ve Ma'ârif adlı eseri // Tasavvuf ilmi ve akademik dergisi, 2007, sayı: 9, S. 427-451.
9. İntihaname-i Sultan Veled. Hazırayan: Muhammed Ali Hazânedârî. – Tahran: İntişârât-ı Ravzane, 1377.
10. Комилов Нажмиддин. Баҳоуддин Султон Валад. Маориф / Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 275 б.
11. Mansuroğlu Mecdut. Sultan Veled'in Türkçe Manzumeleri. – İstanbul: Pulhan Matbaası, 1958. – 206 s.
12. Ocak Tulga. Sultan Veled'in Rebâb-nâmesi // Erdem, 1988, c. IV, sayı: 11, S. 541-591.
13. Rababnâme az Sultan Veled. Hazırayan: Ali Sultânî Gird Ferâmerzî. – Tahran, 1377.
14. Sultan Veled. Dîvân-ı Sultan Veled. Hazırlayan: F.Nafiz Uzluk. – Ankara: Uzluk Basımevi, 1941. – 753 s.
15. Sultan Veled Divanı. Çeviren: Veyis Değirmençay. – İstanbul: Demavend Yayınları, 2016. – 753 s.
16. Sultan Veled. İbtidânâme. Çeviren: Abdülbâki Gölpınarlı. – Ankara: Güvendi Matbaası, 1976. – 566 s.
17. Sultan Veled. İbtidânâme. Çeviren: Abdülbâki Gölpınarlı. – Ankara: İnkilap kitabevi, 2014. – 566 s.
18. Sultan Veled. İbtidânâme. Çeviren: Abdülbâki Gölpınarlı. – Ankara: İnkilap kitabevi, 2017. – 566 s.
19. Sultan Veled. Maarif. Çeviren: Meliha Ülker Anbarcıoğlu. – İstanbul: Tercüman yayınevi, 1984. – 290 s.
20. Sultan Veled. Maarif. Çeviren: Meliha Ülker Anbarcıoğlu. – İstanbul: Ataç Yayınları, 2017. – 290 s.
21. Sultan Veled. Mesnevî-yi Veledî, be bahr-i hafif, ma'ruf be Veled-nâme. Hazırayan: Celâl Hümâî. – Tahran, 1936.
22. Sultan Veled. Rebabnâme. Mütercim: Niğdeli hakkı Eroğlu. – İstanbul: Kristal Ltd, Şti, 2011. – 348 s.
23. Sultan Walad. Maestro Y Discipulo. Traductor: Jesús García Muro. – Madrid: Editorial Sufi, 2003. – 248 p.
24. Tercüme-i İntihânâme-i Sultan Veled (İnceleme - Metin). Çeviren: İbrahim Hakkı Eroğlu, Hazırlayan: Hülya Küçük. – Konya: Aybil Yayınevi, 2012. – 360 s.



*Гулсали ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Тошкент кимё-технологиялари институти
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси
E-mail: humo.yun@mail.ru*

ENGLISH CHILDREN'S LITERATURE: A COLLECTION OF JOAN ROWLING'S "HARRY POTTER" NOVELS AND THE PLACE OF THE WORK IN WORLD CHILDREN'S LITERATURE

Abstract

The following article describes the emergence and development of English children's literature, particular, the formation of the fantasy genre as a separate genre in children's literature, fiction works created in this genre, the life, creativity, role of English children's writer Joan Rowling in children's literature, a collection of Harry Potter novels published in the author's fantasy genre, the impact of the work on the development of world children's literature and the phenomenon of Harry Potter.

Key words: English children's literature, genre, fantasy, fairy-tale, magic, XX century, Joann Rouling, The Harry Potter phenomenon, fiction novel, adventure.

АНГЛИЙСКАЯ ДЕТСКАЯ ЛИТЕРАТУРА: СБОРНИК РОМАНОВ ДЖОАН РОУЛИНГ "ГАРРИ ПОТТЕР" И МЕСТО РАБОТЫ В МИРОВОЙ ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Аннотация

Научная статья посвящается возникновению и развитию английской детской литературы, в частности, формирование жанра в детской литературе, художественных произведений, созданных в этом жанре, жизнь, творчество, роль английского детского писателя Джоан Роулинг в детской литературе, сборник романов о Гарри Поттере, изданный в авторском жанре фэнтези, влияние работы на развитие мировой детской литературы и феномен Гарри Поттера.

Ключевые слова: Английская детская литература, жанр, фантазия, сказка, магия, XX век, Джоан Роулинг, феномен Гарри Поттера, фантастика, роман, приключение.

ИНГЛИЗ БОЛАЛАР АДАБИЁТИ: ЖОАН РОУЛИНГНИНГ "ГАРРИ ПОТТЕР" РОМАНЛАР ТЎПЛАМИ ВА АСАРНИНГ ДУНЁ БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация

Мақолада инглиз болалар адабиётининг пайдо бўлиши ва ривожланиш даври, хусусан, фэнтези жанрининг болалар адабиётда алоҳида жанр сифатида шаклланиши, ушбу жанрда яратилган бадиий асарлар, инглиз болалар ёзувчиси Жоан Роулингнинг ҳаёт йўли, ижоди, болалар адабиётда тутган ўрни, ёзувчининг фэнтези жанрида чоп этилган Гарри Поттер романлар тўплами, асарнинг дунё болалар адабиёти ривожига бевосита таъсири ва ундаги Гарри Поттер феномени хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Инглиз болалар адабиёти, жанр, фэнтези, эртақ-афсона, сеҳр, XX аср, Жоан Роулинг, Гарри Поттер феномени, бадиий асар, саргузашт.

Кириш. Ҳар бир миллатнинг ўз адабий дунёсида болалар адабиётининг ўрни бекиёс. Чунки ҳар қандай миллатнинг келажаги унинг ёш авлодларига боғлиқ. Зеро, инсонларни тафаккур қилишга, теран фикрлашга ундайдиган восита ҳисобланган адабиёт бугунги технологиялар асрида ҳам ўз жозибаси, аҳамияти ва долзарблигини йўқотгани йўқ.

Айниқса, болалар адабиёти. Бу жанрнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у китобхоннинг ёши, тарихий давр ва ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқ. Боиси китобхон ёшини ҳисобга олиш болалар адабиётининг энг асосий принципларидан. Масалан, мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган асарларда воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонлар ҳолати кўргазмалли тарзда очиб

берилади. Шунингдек, эзгулик ва ёвузлик кучларининг оддий кўринишидаги зиддиятларга асосланган бўлади. Аммо ўсмирлар учун яратилган ижод намуналарида муаллиф умуман бошқача ёндашув ва услубга аҳамият қаратади.

Айни шу сифатларга эътибор қаратилиб ёзилган асарлар болаларнинг энг сеvimли китобларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, болалар адабиётининг яна бир хусусияти унинг ҳаракатга бойлигидир. Бу жараёнда воқеаларнинг тезкор, қизиқарли, айниқса, фантазия ва юморга бой ҳолда тасвирланиши ёш китобхонни ўзига жалб этиши билан ажралиб туради. Чунки болалар узундан-узоқ ва зерикарли сюжетлардан кўра, қисқа ва тезкор ечимдаги асарларни хуш кўради.

Асосий қисм. “Болаларга аталган китобларнинг мақсади”, - деб ёзган эди В.Г.Беленский, - табиат ато этган ҳис-туйғуларни ўстиришдан иборат. Бундай китобларнинг билвосита ва бевосита таъсири болаларнинг ақлига эмас, балки уларнинг ҳис-туйғуларига қаратилмоғи керак. Ҳис билимдан олдин бўлади, ҳақиқатни сезмаган киши уни тушунмайди ҳам... Катталарга оид бўлган нарсалар болаларга ҳам оиддир. Фақат уларни болалар тушунчасига мувофиқ суръатда баён қилмоқ керак”[1].

Хусусан, инглиз болалар адабиёти дунё болалар адабиёти орасида ўзининг ноанъанавий жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Узоқ ўтмишга назар солсак, Англияда болалар учун мўлажалланган китоблар нашр этилмасдан бир неча аср аввал, эртақ ва афсоналар қаҳрамонлари тасвирланган расмли брошуралар болаларнинг сеvimли китоблари саналган.

1744 йилда Жон Ньюберининг “A little pretty-pocket book” (“Ажойиб кичкина чўнтақ-китоб”) номли китобининг нашр этилиши Британияда болалар адабиётида янги даврини бошлаб берди. XIX аср ўрталарига келиб ахлоқий-тарбиявий руҳдаги китоблар ўрнини ҳажвияга бой, қаҳрамони болалар бўлган ва уларнинг ҳаёлотига асосланган асарлар эгаллади. Болалар адабиёти жанр ва мавзу жиҳатдан ўзгарди.

Хусусан, дунё болалари ҳозирга қадар севиб ўқийдиган Люис Керроллнинг фентези жанрида ёзилган “Алиса мўжизалар мамлакатига” асари Англияда болалар адабиётининг олтин даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, фентези жанрида ёзилган яна бир машҳур асар Чарлз Кингслининг “The water-babies, a fairytale for land baby” (“Сув болалари, ер боласи учун эртақлар”) асари ўз даврида Англияда жуда машҳур бўлган ва ҳозирда Британия болалар адабиётининг мумтоз асаларидан бири ҳисобланади.

Британияда болалар адабиётининг олтин даври Биринчи жаҳон уруши арафасида ўз ниҳоясига етган бўлишига қарамай, ёзувчи ва адиблар болалар учун мўлажалланган асарларни ёзишдан тўхтамади. Масалан, 1926 йилда А.А.Милннинг “Винни Пух” ва 1937 йилда Ж.Р.П.Толкиннинг “Ҳоббит” асарлари айнан ўша даврларда дунё юзини кўрди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, яъни 1950 йилларда Британияда болалар учун китоб нашр этиш яна жонланди. Натижада бир неча машҳур асарлар чоп этила бошланди. “Клайв Стейплс Люиснинг “The chronicles of Narnia” (“Нарния салтанати”, 1950-йиллар), Доди Смитнинг “The hundred and one dalmatians” (“Бир юз бир далматин”, 1956), Роалд Далнинг “James and the giant peach” (“Жеймс ва баҳайбат шафтоли”, 1961) ҳамда ““Charlie and the chocolate factory” (“Чарли ва шоколад фабрикаси”, 1964)” кабилар шулар жумласидан [2].

Ушбу асарлар нафақат болалар адабиётининг, балки фентези жанрининг ҳам кейинги ривожланиш

йўлини белгилаб берди. Умуман XX аср Англия болалар адабиётида фентези жанри бошқа жанрларга қараганда сезиларли даражада устунлик қилибгина қолмай, жанрнинг хусусиятлари камрови кенгайди.

XX асрнинг охирида, яъни 1997 йилда инглиз адибаси Жоан Роулинг томонидан фентези жанрида яратилган “Гарри Поттер” романи Англия болалар адабиётида узоқ йиллик танаффусдан сўнг энг шов-шувли ва дунёнинг 67 тилига таржима қилинган асарлардан бири бўлди. Боиси замонавий ахборот коммуникация воситалари тараққий этиб, болалар ва ўсмирлар китобдан узоқлашган бир пайтда дунё юзини кўрган бу асар болаларни яна китоб дунёсига қайтарди ҳамда Гарри Поттер феномени бутун дунёни камраб олди.

“Бу нафақат болалар адабиёти тарихидаги энг муваффақиятли бетселлер. Шу билан бирга фақуллда бадиий асардир. Болалар ёзувчисининг фикрига кўра, Гарри Поттер романлари болалар ва катталар ўртасидаги мутолаа “чегарасини” йўққа чиқарди”[3].

“Гарри Поттер” асари муаллифи Жоан (J.K.Rowling) Кетлин Роулинг 1965 йил 31 июлда Англиянинг Gloucestershire (Глостершир) шаҳрида дунёга келди. Болалигиданоқ ҳикоялар ёзиб турган Роулинг уларни синглисига ўқиб берарди. 1986 йили у Париждаги Exeter университетини тамомлаб, Лондонга йўл олади. Роулинг бу шаҳарда Халқаро амнистия ташкилотининг тадқиқот бўлимига котиба сифатида қабул қилинади. 1990 йилда Манчестр шаҳрига кўчиб ўтган Роулингнинг хаёлига сеҳргарлик мактабида ўқийдиган бола ҳақидаги ҳикоя ғояси поездда дунёга келади.

Роулинг “Гарри Поттер”нинг яралишини шундай изоҳлайди: “Мен йўловчи поездда Лондонга йўл олганимда тўсатдан Гарри Поттер ғояси пайдо бўлди. Олти ёшимдан буён ёзиш билан мунтазам шуғулланган бўлсамда, ҳеч бир ғоя мени бу даражада каттиқ ҳаяжонга солмаган эди. Ўз сеҳргарлигидан беҳабар кўзойнакли қорасоч бола тасвири кўз олдимда борган сари яққол намоен бўла бошлади. Шу кунидек “Фалсафа тоши”ни ёзишни бошладим”[4].

Ўша йили Роулингнинг онаси узоқ йиллик хасталикдан сўнг вафот этади. Ёзувчининг каттиқ тушкунлик натижасидаги руҳий ҳолати у бошлаган асарга ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Шундан сўнг Роулинг Португалиянинг Порто шаҳридаги мактаблардан бирига инглиз тили ўқитувчиси сифатида иш бошлайди. Дарс машғулотларидан кейин у бошлаган асарини давом эттирарди. Португалияда журналист Жорж Арантес билан турмуш қургач, кизи дунёга келди. Афсуски, уларнинг турмуши узоққа чўзилмади. Роулинг кизи ва “Гарри Поттер”нинг уч бобини олиб Edinburgh (Единбург) да яшайдиган синглисиникига кўчиб кетади. Бу пайтда шифокорлар Роулингга клиник депрессия ташхисини қўяди. Интервьюларидан бирида у ўша вақтда тушкунлик туфайли ўз жонига қасд қилишгача борганини айтади. Айнан асарнинг

учинчи китобида тасвирланган рух сўрувчи дементорлар ғояси ўша рухий ҳолат натижасида пайдо бўлган.

Ўзини қўлга олишга куч топа олган Роулинг 1995 йилда Edinburgh университети қошидаги Morey таълим мактабида ўқитувчи тайёрлаш курсларида таҳсил олади. Бу вақтга келиб, у ҳали ҳам давлат томонидан бериладиган ижтимоий ҳимоя ҳисобига кун кўрарди. Роулинг “Гарри Поттер”нинг биринчи китобини ёзиб боʻлгач, уни нашр қилдириш учун 12 та нашриётга юборди. Бироқ ҳеч бир нашриёт асарни қабул қилмайди.

Бир йил давомида ўз асарини чоп эттира олмай юрган Роулинг Лондондаги Bloomsbury нашриёти таҳрирчиси Берри Каннингҳемдан китобни чоп этишга рухсат олади. Нашриёт китобни чиқаришга рухсат берган бўлса-да, Каннингҳем ёзувчига болалар учун асар ёзиш кўп даромад олиб келмаслигини айтиб, қўшимча иш топиши кераклигини маслаҳат беради. Орадан кўп ўтмай, 1997 йилда Шотланд санъат кенгаши Роулингга асарни ёзишни давом эттириши учун 8000 фунт тақдим этади. Шу йилнинг июн ойида “Harry Potter and the Philosopher’s stone” (“Гарри Поттер ва фалсафа тоши”) 1000 нусхада босилади. Беш ойдан сўнг китоб ўзининг биринчи мукофоти “Nestle Smarties Book Prize”ни қўлга киритади. 1998 йилда ўтказилган аукционда Счоластис Инс. Ушбу китобни нашр этиш ҳуқуқини сотиб олади ва асар “Harry Potter and the Sorcerer’s stone” (“Гарри Поттер ва сеҳргар тоши”) номи билан нашр этилади.

Асарнинг давоми “Harry Potter and the chamber of secrets” (“Гарри Поттер ва махфий хона”) ҳам “Nestle Smarties Book Prize” мукофотини қўлга киритади. Орадан бир йил ўтиб чоп этилган учинчи китоб “Harry Potter and the prisoner of Azkaban” (“Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси”) ҳам юқоридаги мукофот билан тақдирлангач, Роулинг мукофотни уч маротаба кетма-кет қўлга киритган биринчи ёзувчига айланади.

“Гарри Поттер”нинг тўртинчи китоби “Harry Potter and the goblet of fire” (“Гарри Поттер ва оловли кубок”) сотувга чиқарилган куннинг ўзидаёқ 48 соат ичида 3 миллион нусхада сотилади. Ушбу китоб учун 2000 йилда Роулинг “Йил ёзувчиси” унвони билан тақдирланади. Китобнинг бешинчи қисми “Harry Potter and the order of phoenix” (“Гарри Поттер ва қанқус ордени”) орадан 3 йил ўтиб, 2003 йилда нашрдан чиқди. 2005 йилнинг июль ойида олтинчи китоб “Harry Potter and half-blood prince” (“Гарри Поттер ва шахзода тилсими”) дунё юзини кўради. Бу асар сотувга чиққан кунидек 9 миллион нусхада сотилади ва яна рекорд натижа қайд этади.

2007 йилда чоп этилган ёзувчининг еттинчи китоби “Harry Potter and the deathly hallows” (“Гарри Поттер ва ажал тухфалари”) аввалги рекордларни янгилаб, бир кунда 11 миллион нусхада сотилишга эришди. Шу тариқа 1997 йилдан нашр этила бошланган “Гарри Поттер” асарининг қиймати 15 миллиард доллар деб баҳоланган [5].

“Гарри Поттер” асаридаги воқеалар хусусида тўхталсак, воқеалар ташқи томондан бизнинг дунёга ўхшаш дунёда, яъни Англияда бўлиб ўтади. Гарчи воқеалар ва улар содир бўлган маконлар муаллифнинг бадиий тўқимаси маҳсули бўлса-да, китобда воқеалар содир бўладиган вақт аниқ кўрсатилган. Роулингнинг илк китобидаги ҳикоя 1980 йилда Гаррининг дунёга келиши билан бошланади. Асарнинг ҳар бир китоби Гарри ҳаётининг бир йилини камраб олиб, унинг саргузаштлари ўрта мактабни тугатгунгача бўлган давр 1991 йилдан 1998 йилгача давом этади.

Роулинг тасвирлаган дунёнинг реал дунёдан фарқи шундаки, унда оддий одамлар билан бирга сеҳргарлар ва афсунгарлар ҳам ҳаёт кечиради. Улар турли афсунлар орқали сеҳрли таёқча ёрдамида истаган юмушни бажара олади. Лекин оддий одамлар, яъни мағллар ўзлари билан ёндош яшаётган бу тоифа кишилар борлигидан бутунлай беҳабар. Роулинг тасвирлаган сеҳргарлар дунёсида ҳам мактаб, касалхона, идоралар, темирўл, газета ва журналлар мавжуд. Афсунлар ёрдамида кўп нарсага қодир бу сеҳргарлар оддий одамлар фойдаланадиган техникадан фойдаланмайди. Бу каби техникаларнинг сеҳргарлар дунёсига кириб келиши Сеҳргарлик ишлари вазирлигининг махсус қўмитаси томонидан қаттиқ назорат қилинади. Жумладан, “Гарри Поттер ва махфий хона” қисмида ҳеч қачон телефондан фойдаланмаган Рон Уизлининг Гаррига қўнғироқ қилиши ўқувчида қўнғироқ билан бирга ҳайрат уйғотади. Бунга ўхшаш воқеалар асарда қўллаб топилади. Масалан, улар хат ташишда бойқушлардан, ёзиш учун учун пат ва сиёҳдан фойдаланади. Электр токи ёки ускуналари сеҳргарлар дунёси учун умуман бегона ҳисобланади. Мактаб ва уйлар шам билан ёритилади.

“Гарри Поттер” дунёсининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири унда оддий ҳайвонлар ўрнида сеҳрли мавжудотлар тасвирланади. Мисол учун, кентаврлар (ярми от, ярми одам мавжудотлар), гоблинлар (одамга ўхшаш бўйи паст мавжудот), хонаки элфлар (сеҳргарларнинг уйларида хизматкорлик вазифасини бажарадиган, бироқ афсунгарлик имкониятлари сеҳргарларникидан кўра кучлироқ), қанқуслар, аждарлар ва бошқалар.

Бундан ташқари, сеҳргарлар дунёсининг транспорт воситалари ҳам ўзига хос. Улар бир жойдан иккинчи жойга бориш учун асосан транспорт воситалари ўрнига сеҳрли усуллардан фойдаланади. Афсунгарлар дунёсида энг кўп қўлланадиган яна бир восита бу каминлар тармоғи орқали керакли манзилга етиб боришдир. Бунда афсунганлар каминга сеҳрли саёҳат қуқунини сеппиб, олов ичига қиради ва манзилини айтади. Шундан кейин бир неча сонияда ўзларини керакли жойда кўрадилар. Агар манзил номи аниқ айтилмаса, адашиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Сеҳргарларнинг исталган манзилга етишда қўллайдиган воситаларидан яна бири бу порталдир. Портал – сеҳргарни олдиндан мўлжаллаб қўйилган вақтда бир жойдан бошқа жойга олиб ўтишга хизмат

киладиган сеҳрли буюмдир. Порталнинг саёҳат кукунидан афзаллик томони унда жуда узок масофага ҳам бир зумда етиб олиш мумкин.

Гарри Поттер асарларида инсонларнинг кўриниши, кийиниши бизнинг дунёдан фарқ қилмаса ҳам, улар қўллайдиган сўзлар (афсунлар, буюм номлари, спорт турлари ва ҳкз.), транспорт воситалари, пул бирликлари, турли мавжудотлар ва кишиларнинг ижтимоий гуруҳлари бизнинг дунёдагидан бутунлай фарқ қилади.

Хулоса. Гарри Поттер гарчи хаёлий романлар тоифасидаги асар бўлсада, қахрамонлар бугунги замонавий техника воситаларидан фойдаланади.

Улар ёвузликка қарши ўз ақл-идроқларини ишлатган ҳолда курашадилар. Турли усуллар, хусусан, кимёвий, физикавий, биологик, энг муҳими сеҳрли усулларни қўллайдилар.

Бундан ташқари, дунё адабиётида ёзувчи асарларининг даражаси унинг қанча тиражда чоп этилгани, неча тилларга таржима қилингани айнан ёзувчининг рейтингини белгилаб беради. Ваҳоланки, бу каби рейтинг ўзига хос кўзгу бўлиб хизмат қилади. Жоан Роулингнинг ёзувчи сифатидаги мавқеи ва Гарри Поттер романлар тўплами айнан шу сифатларга тўла жавоб бера оладиган адабиёт дурдоналаридан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. С.Матжонов, М.Қурбонниёзов “Болалар адабиёти: ижодий-услубий изланишлар. Ўқув қўлланма, Т.2009. Б-5.
2. Ранк О. Миф о рождении героя. – Рефл-бук, Ваклер, 1997.
3. Е.С.Ксенофонтова. Феномен массовой литературы в современной России. – СПб : СПГУДТ, 2009. – С. 137-141.
4. <https://harrypotter.fandom.com>
5. Макарова П. Джоан Роулингв Стране Чудес , Суперзвезды. Аргументы и факты - М., 2005-№19 (73) – октябрь.
6. С.Мирвалиев. Р.Шокирова. Ўзбек адиблари. Т. Ғ.Ғулом нашриёти. 2000. Б. 156.
7. М.Жумабоев. Ўзбек болалар адабиёти. Т. «Ўзбекистон» нашриёти, 2002. Б. 187.
8. Суёмов А. Болалар адабиёти. Т.«Ўқитувчи» нашриёти. 1995. Б.202.
9. Шодиев Н. Ёзувчилик — аслида болалар учун. Т. «Жамият» газетаси, 2015. 28-сон.



Раъно ЮСУБОВА,

Навоий давлат педагогика институти
Ўзбек тили кафедраси мудир, ф.ф.н., доцент
E-mail: ranoyusubova74@mail.ru

Насиба ЯРАШОВА,

Навоий давлат педагогика институти
Ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)
E-mail: yarashovanasiba9009@gmail.com

METAPHORS AS A LINGUISTIC AND CULTURAL PHENOMENON

Abstract

Language is a mirror of culture, not only reflecting real life, humanity, the General existence that surrounds its life, but also the nation itself through language, which passes through the perception mentality, national character, way of life, traditions, moral norms, dignity and well-being. Culture as a system of concepts, the way of life of a particular people, national character, national mentality have a broad ethnographic content. The close relationship and Interrelationship of language and culture allowed them to study them on a single methodological basis. imagery, artistry in metaphors is expressed depending on the principle of compactness, compactness, compactness, in a compact form, the description of the image will be extensive. In metaphors, the discrepancy between form and meaning is clearly visible; in a compact form, a long thought is hidden; in short, a metaphor is considered an invaluable example of contemplation.

Key words: metaphor, gender metaphor, culture, national-cultural means, linguistic economy, implicitness, poetic text, prose text.

МЕТАФОРЫ КАК ЛИНГВИСТИЧЕСКИ-КУЛЬТУРНОЕ ЯВЛЕНИЕ

Аннотация

Язык-зеркало культуры, не только отражающее реальную жизнь, человечество, общее существование, которое окружает его жизнь, но и сама нация через язык, которая проходит через менталитет восприятия, национальный характер, образ жизни, традиции, нравственные нормы, достоинство и благополучие. Культура как система понятий, образ жизни конкретного народа, национальный характер, национальный менталитет имеют широкое этнографическое содержание. Тесная взаимосвязь и Взаимосвязь языка и культуры позволили им изучить их на единой методологической основе. образность, художественность в метафорах выражается в зависимости от принципа компактности, компактности, компактности, в компактной форме описание образа будет обширным. В метафорах отчетливо просматривается несоответствие формы и смысла, в компактной форме скрывается длинная мысль, короче говоря, метафора считается бесценным образцом созерцания.

Ключевые слова: метафора, гендерная метафора, культура, национально-культурное средство, лингвистическая экономия, имплицитность, поэтическая текст, прозаическая текст.

МЕТАФОРЛАР ЛИСОНИЙ-МАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Аннотация

Тил маданият кўзгуси сифатида реал ҳаётни, инсониятни, унинг ҳаётини ўраб турган жами мавжудликни акс эттирибгина колмасдан, тил орқали миллат ўзлигини англайди, бу англаш менталитети, миллий характери, турмуш тарзи, анъаналари, урф-одати, ахлоқий нормалари, кадр-қиммати билан узвийликда кечади. Маданият тушунчалар системаси, муайян халқнинг ҳаёт образи миллий характер, миллий менталитет сифатида кенг этнографик мазмун касб этади. Тил ва маданиятнинг ўзаро яқинлиги ва алоқадорлиги уларни ягона методологик асосда ўрганиш имконини берди. Метафораларда образлик, бадийлик ихчамлик тежамлилик тамойилига боғлиқ ҳолда воқе бўлади, ихчам шаклда тасвир баёни кенг бўлади. Метафораларда шакл ва маъно номувофиқлиги яққол кўзга ташланиб, ихчам шаклда узундан-узук фикр яширин бўлади, қисқаси, метафора тафаккурнинг бебаҳо намунаси саналади.

Калит сўзлар: метафора, гендер метафора, маданият, миллий-маданий бирлик, лисоний тежамлилик, имплицитлик, поэтик матн, насрий матн.

Қириш. Бугун тил инсонга оламни танитади, деган тушунча ўрнида, тил инсон дунёни қандай идрок этишини кўрсатади, дейиш тўғрироқ деб қаралмоқда. Тил - маданият кўзгуси, реал ҳаётни,

инсониятни, унинг ҳаётини ўраб турган жами мавжудликни акс эттирибгина колмасдан, тил орқали миллат ўзлигини англайди, бу англаш менталитети, миллий характери, турмуш тарзи, анъаналари, урф-

одати, ахлокий нормалари, кадр-қиммати билан узвийликда кечади. Бир вақтнинг ўзида тил ойнаси орқали инсоннинг ҳаёт тарзи, феъл-атвори, бошқалар билан муносабати, муомала маданияти, хулқи акс этади. Ушбу омиллар кўп ўринларда миллий-маданий дунёқарашга асосланган метафорик тарзда воқеланади, миллий-маданий бирлик тил ойнасида ҳар бир инсоннинг фикрлаш тарзи, ҳаёлот, хатти-ҳаракатлари билан бирлашиб кетган бўлади.

Асосий қисм. XX аср сўнгида Ж.Лакофф ҳамда М.Жонсон метафораларни инсон тафаккури ҳосиласи сифатида ўрганиб, инсоннинг нуткий фаолияти, фикрлаши қанчалик метафорага бой тарзда ифодаланар экан, тилнинг ўзи ҳам моҳиятига кўра метафорик эканлиги таъкидланади [1]. Метафора нафақат образлилик воситаси, балки бир сўзда икки маънонинг уйғунлашуви, ментал хусусиятлари ифодачиси [2], табиат ва маданиятни бир бутунликда бирлаштирувчи оралик ҳалқа, улар ўртасида мисоли кўприк. Ушбу уйғунлик халқ оғзаки ижодида яққол ифодланади, масалан: Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга (Алпомиш). Ултон босди шундай шернинг изини (Алпомиш). Номус билан орим кетди, Қаторимда норим кетди (Кунтуғмиш).

Очилар баҳорда боғларнинг гули, Гулни кўрса мард бўп сайрар булбули (Алпомиш). Қочган **қушман**, паноҳ берар, деб эдим (Алпомиш). Гендер метафора, яъни “фақат бир жинсга нисбатан қўлланувчи метафорик маъноли сўз ёки бирикма” [3] ҳар бир тил учун хос. Халқ дostonларида гендер фарқловчилик хусусияти метафора орқали догматик тарзда бўртиб туради. Масалан, зоғ, нор, шер, қуш каби от туркуми билан ифодаланган метафоралар эркакларни тасвирлашда тез-тез учрайди. Бу каби киёслаш эркакларга хос хусусиятларни ифодалабгина қолмай, шу билан бирга баҳо мазмунини ҳам ёрқин англатади. Ёки аёлларга хос метафорик ифодаларда энг кўп ташқи белгилар (ташқи аъзоларининг ранги, шакли кабилар) асос қилиниб олинади. Қуёш (шамс, офтоб), ой (қамар, ҳилол), юлдуз (Хулқар) каби метафоралар асосида “аёл ҳамиша нур тарқатувчи, ёруғ, ёрқин ҳолда тасаввур этилади” [4]. Масалан: Ул **ой** ҳажри шиканжида таноби зулфи ёдидин (Навоий). Ҳар кўзум ул **қуёш** фироки туни, Бир фалакча аён қилур юлдуз (Навоий). Сипехр сақфиға олтун сутун бўлур, эй **моҳ** (Навоий).

Мумтоз адабиётда ҳам, замонавий адабиётда ҳам аёл ҳамиша чиройли сиймо сифатида тасаввур этилади. Унинг ҳусни гул, ғунча, сарв, шамшод чаман, гулшан, гулзор билан киёсланади ва метафора ҳосил бўлишида ҳам айни шу сўзлардан фойдаланилади: Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй **гулки**, даврон боғида Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароваттур санга. (Алишер Навоий).

Кузатганимиздек, халқ оғзаки ижодида метафоралар табиий шароит ва ментал хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда маданий кадриятларни ифода этади: Хазон қилма тар очилган **гулимни** (Алпомиш).

Поэтик матнда учровчи метафораларнинг кўпчилиги ижодкорнинг фикр кашфиёти саналади ҳамда уларга индивидуал (неологик) метафоралар, деб қаралади. Бу каби метафораларда образлилик, бадийлик ихчамлик тежамлилик тамойилига боғлиқ ҳолда воқе бўлади, ихчам шаклда тасвир баёни кенг бўлади. Метафораларда шакл ва маъно номувофиқлиги яққол кўзга ташланиб, ихчам шаклда узундан-узок фикр яширин бўлади, қисқаси, метафора тафаккурнинг бебаҳо намунаси саналади. Масалан: Менинг ҳам руҳимда аждодлар охи, Менинг ҳам **қонимда қилич занги бор**. (А.Орипов). Ижодкор қонимда деганда олис қонли тарихда аждодларимизнинг **кўрган-кечирганларини**, босқинлар, қирғинбаротларда аждодларимизнинг мардона курашганларини, бутун тарихни бўй-басти билан биргина сўзда ифодалашни назарда тутса, қилич занги деганда буюк тарихий сиймоларнинг ватан йўлидаги курашлари ва курашлардаги ҳиёнатлар, жон берган асл инсонларни назарда тутган. Бу мисралар ватанимиз тарихида кечган неча-неча қонли курашларни ёдга солиши шубҳасиз. Албатта, метафоралар нутқнинг беазаги, аммо унинг асосий вазифаси ижодкор эмоциясини, ўй-фикрини аниқ, тўғри ва образли тасвирлашдир, аниқроғи, кенг баён этилиши лозим бўлган тасвирни образли ҳолатда ихчамлаштиришдир.

Метафораларда юзага келувчи тежамлилик миқдор билан боғлиқлиги учунгина аҳамиятли эмас, қисқартирилган киёсда ихчам шаклнинг маъновий таъсирчанлиги юкори бўлади, шунинг учун кўзда тутилган мазмунни тингловчи ўз билимлари асосида идрок этади: **Тозига** чап бериб қочган ҳар **тулки**, Арман тупроғини бўяди қонга. (А.Орипов). Бу ўринда този метафораси анъанага зид равишда ижобий маънода, яъни “босқинчиларга қарши курашган халқ” маъносида, тулки метафораси “ўта айёр”, “алдоқчи” маъносида эмас, балки “босқинчи” маъносида қўлланган. Тулки метафораси билан тулкига ўхшаган босқинчи ўхшатиши киёсланганда, метафоралардаги ихчамлик ва таъсир кўлами яққол англашилади. Метафоралар баъзан ифоданинг образлигини, бадийлигини таъминлаш учунгина хизмат қилса, кўп ўринларда кенг қамровли ахборотни қиска, лаконик тарзда етказиб берилишини таъминлаш орқали образлиликка, бадийликка йўл очади: Вужуд деганлари асли нимадир? Дайр **денгизида** юрган **кемадир**. (А.Орипов).

Инсоннинг фоний дунёдаги ҳаёти бутун мураккабликлари билан денгиз ва кема метафоралари орқали жамланган. Поэтик характердаги бундай ихчам шаклларда образли тасвир бўртиб туради. Поэтик матнларга хос метафоралар прозаик матнларда келувчи метафоралардан фарқланади, прозаик матнларга хос метафораларни сўзлашув услубида ҳам кузатиш мумкин, бироқ поэтик матн метафораларида алоҳидалик, оҳорлилик кўзга ташланади ва уларга

индивидуал (неологик) метафоралар деб караш тўғрироқ бўлади.

Метафорик мазмун ифодаловчи бирлик қискартирилган, имплицит характердаги ўхшатиш бўлиб, шаклий ихчам ифодаланиш тарзи семантиканинг кенгайишига йўл очади, сўзловчининг ҳам тингловчининг ҳам лисоний имкониятини, тафаккур даражасини белгилайди. Масалан: Шундан сўнг мен профессор билан бошқа кўришмасликка, унинг юзидаги **харобаликни** кўриб кўнглимни яна бузмасликка аҳд қилдим. (Н.Эшонкул). Ўрин-жойга хос белгини ифодаловчи сўз шахснинг руҳий ҳолатига хос белгини метафорик тарзда ифодалаш ижодкорнинг миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этган.

“Тежамкорлик тамойили доирасидаги тил ходисаларининг энг умумий томони (хусусияти) коммуникация жараёнининг тезлашувига кўмаклашишдир” [5], нуткий ихчамликни юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида насрий матнларда персонаж нуткида айнан шу жиҳат кўринади ҳамда сўзловчининг субъектив муносабатини ифодалаб келади. Масалан: - Шу шўрлик аёлни бир кириб кўрайлик! Уч кунлиги борми, йўқми... **Соб бўлган** дейишади... – Ҳа, анча **оғир**, - деди ҳамшира хўрсиниб, - ўн йил дард тортиш осонми! (А.Қаҳхор). Метафора психологик ҳолатларни аниқ ва образли ифодалашда ҳам муҳим ўрин эгаллаб, тингловчининг руҳиятида ҳам муайян ҳолатни юзага келтиради. Бундай ҳолатнинг юзага келишига метафора психологик жиҳатдан анланган тасаввурлар ҳақидаги образларнинг қайта тикланиши сабаб бўлади.

Шундай экан, лингвистик метафора тилда аташ маъноси учун хизмат қилса, бадиий метафора таъсирчанликни намоён этади. Бугунги давр жаҳон ва ўзбек тилшунослари томонидан ҳам тилни миллий-маданий жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида бадиий матнларнинг эмоционал-экспрессивлигини оширувчи воситалардан бири метафорани миллий-маданий тадқиқ қилиш муаммоси эътироф этиб келинмоқда. “...нутқда маълум стилистик мақсад учун хизмат қилади. Сўзларни метафорик маънода қўллашнинг асосий вазифаси нутқнинг образлилигини, тасвирийлигини ошириш бўлса, шу образлилик ва тасвирийлик матнда юзага келувчи эмоционал-экспрессивлик коннотатив маънодир” [6].

Она тилимизнинг имкониятларидан фойдаланиш, бетакрор бадиий тасвирлар яратиш, биринчи навбатда, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ижодкор ана шу танланган сўзнинг лексик ва ҳосила маъноларини тўғри англай олиши ҳамда фарқлай билиши ҳам лозим бўлади. Лексик маъно тараққий этиб борар экан, одатда, бир предмет, белги, ҳаракатнинг номини бошқа бир предмет, белги, ҳаракатга кўчириш йўли билан ҳам ривожланади. Бундай кўчиришнинг табиатини, мавқейини ҳар бир тилнинг ўзида мавжуд семантик қонуниятлар белгилайди. Аристотел таъбири билан айтганда, “Метафора бу

ғайри оддий номни бир турдан бошқа хилга, ёки хилдан турга, ёки хилдан хилга, ёки ўхшашдан ўхшашга кўчиришдир” [7].

Зеро, метафора коннотатив маънони юзага келтирувчи жараён дур. Шунингдек, метафора бадиий асарларда турли хил поэтик функцияларни бажаради. Айниқса, унинг бадиий образ яратишдаги роли диққатга молик. Тўғрироғи, маъно кўчишининг бу тури ўзига хос семантик табиати бўлишидан қатъий назар, у матн доирасида бир хил вазифага эга. Яъни унинг бадиий адабиёт учун образли тасвирий восита эканлигидир. Шу боис метафора ўзида асосий маданий қадриятларни акс эттиради, чунки метафора маданий-миллий дунёқарашга асосланган.

“Фразеологик бирликлар ва метафора мазмунининг режаси ҳамда уларга бириктирилган маданий коннотациялар туфайли маданий белгиларнинг экспонентларига айландилар” [8].

А.Н.Афанасевнинг фикрича, метафора ўхшаш тасаввурларни уйғотадиган предметларни ўзаро яқинлаштириш натижасида пайдо бўлган. Метафора мутлақо озод, бой манбадан олинган, зарурат, эҳтиёж ёки тилнинг қашшоқлигидан пайдо бўлмаган [9].

Шу билан биргаликда метафоралар ҳам тилнинг асосий лингвимаданий бирликларидан бири ҳисобланади. Интертекстуаллик муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги орқали ҳам муаллифнинг ўқувчига эстетик завқ бериши мақсад қилинади, метафора бирор бадиий матн ичига олиб кирилганда интертекстуаллик акс эттиради. Метафора бадиий асар ғоя ва мақсадини, персонажлар ички дунёсини очишда, асар тилининг ширали ва таъсирчан бўлишида, эмоционаллиги ва мусиқийлигини оширишда муҳим услубий восита ҳисобланади. Турли халқлар тилларида бўлгани каби ўзбек тилида ҳам ана шундай образли ифодаларнинг роли катта.

Жумладан, насрий матнда метафораларни қўллаш орқали воқеа-ходисанинг интенсивлигини оширишга, қаҳрамонлар характер-хусусиятига имплицит ишора қилишда таъсирчан омил сифатида фойдаланиб, асарлари тасвирийлигини, бадиий-эстетик қуввати оширилган: - Бувижоним, ўқийвериб **миянг суюлиб кетди**, бурнинг оқадиган бўлиб қолди, деяпти. (“Сарик девнинг ўлими”, 4-б.).

Ижодкор ўз қарашларида реаллашган хусусий яширин маъноларни мавҳум тарзда ифодалашда, шунингдек, таъсирчан, образли ифодалар яратишда фойдаланган: - Ҳамдамбой нимқоронғида хаддан ташқари бадбашара бўлиб кўринаркан. Башанг либос кийиб одам қиёфасида юрган экан у. Ўғирнинг сопидек ингичка бош, чўзиқ юз, каттакон бурун, чакчайган олакўзлар — бамисоли ҳужумга чоғланган **бўғма илон**нинг ўзгинаси дейсиз. (“Қасоскорнинг олтин боши”, 82-б.).

Айниқса, метафораларнинг коннотатив маъноларидан қаҳрамонларнинг характер-хусусияти, сийрат ва суратини тасвирлашда, асар композициясида воқеалар ривожидида ечилувчи мавҳум тушунчаларга ишора қилувчи тугун ҳосил

килишда ва бадий-ғоявийликка эришишда фойдаланилган: - Икром ёғочоёқ дарсдан қайтаётганда бўр билан бировларнинг эшигига **ёмон сўзларни** ёзиб кетади. (“Сариқ девни миниб”, 222-б.). // - Мен ойижонимнинг қалбидаги **тубсиз армонни** ифодаламоқчи бўлудим. (“Мунгли кўзлар”, 212-б.).

Бадий тасвир воситалари орасида метафоралар энг кўп ижодийликни талаб этиши билан фаркланади. Метафора яратиш ижодкордан кенг дунёқараш, олам ва одам ҳақида чуқур фикр юрита олиш, руҳият ва табиатни яхши билишни талаб этади. Метафора образнинг нафақат ташқи кифоаси, балки унинг руҳий оламида кечаётган ҳолатларни тингловчи кутмаган фавқулудда бадий ҳукм асосида тасвирлаш ёки ифодалашга замин бўлади.

Метафорда асар қаҳрамонларининг муҳим хусусиятлари инобатга олинади. Чунки кўп ҳолларда референтларнинг муҳим бўлмаган белгилари ҳатто мана шу тилда сўзлашувчи шахсларнинг хотирасида мавжуд бўлавермаслиги ва уни кўшимча хотирадан кидириш заруриятининг туғилиши коммуникатсия жараёнининг бир текис ва равон кетишига путур етказиши мумкин.

Метафорик кўчимларнинг яратилишида шаклий ўхшашлик катта аҳамият касб этади. Бу ҳол яратилган нарсанинг табиатидаги прототиби номининг кенгайишига ва инсон қўли билан яратилган объектнинг ўша ном билан номланишига олиб келади: - Арзимаган бир нарса учун юзим шувут бўлиб қолди, энди бу ерда қолишим мумкин эмас эди. Болаларнинг ошхонасига кириб, **қозоннинг бошига** ўтириб олдим-да, лаззатли таомлардан тўйиб-тўйиб едим. (“Сариқ девни миниб”, 38-б.). Дадам, керак бўлса ишлатарсизлар, бўлмаса бирор **қора қунимизда** асқотиб қолар деб, уч-тўрт марта пул ташлаб келган экан. (“Мунгли кўзлар”, 137-б.).

Адабиётшунос олим Б.Саримсоқов “Бадийлик асослари ва мезонлари” номли китобида метафора ҳамда метафорик образларнинг табиати ва хусусияти ҳақида тўхталиб, “бадий асардаги кечинма шиддатини ошириш метафорик образга хос... Метафора ижодкорнинг у ёки бу нарса, воқеа-ҳодисага нисбатан ўзининг салбий муносабатини тўғридан тўғри ифодалаш учун ҳам хизмат этади” дея таъкидлайди. Метафоралардаги баҳо муносабатини тадқиқ қилиш инсон омилини ҳисобга олишни тақоза қилади. Чунки баҳолаш субъекти (баҳоловчи киши) доим муайян ижтимоий гуруҳга мансуб шахс ва унинг объектни баҳолаши нарса ва ҳодисаларга нисбатан ижобий, салбий, нейтрал муносабатларида ўз ифодасини топади. Бинобарин, инсон ўзини ва атроф муҳитни ўз онги ва идроки доирасида баҳолаб, муносабат билдиради ва метафоралар замиридаги бундай баҳоловчи коннотация прагматик аспектда ҳам талқин қилинади. Баҳолаш айниқса, лингвокультурологик

метафоралар семантикасида ёққол намоён бўлади. Лингвокультурологик метафоралар семантикасида нафақат баҳолашнинг образли ифодаланиши, балки ҳиссий-эмотив муносабатлар, яъни, нафрат, ғазаб, менсимаслик, эътибор қилмаслик, илтифотсизлик, лоқайдлик, дангасалик ёки аксинча хурмат-иззат, эътибор, ҳайрат, меҳрибонлик, ачиниш, қойил қолиш, шунингдек, стилистик буюқдорлик кўзга ташланиб туради. Баҳолаш ва эмотивлик компонентларининг интеграциялашуви эса лингвокультурологик метафораларни экспрессив воситага айлантиради.

Лингвокультурологик метафоралар металлар номи билан ҳосил қилинганда ҳам умуминсоний характердаги ижобий баҳо муносабатини акс эттиради. Масалан, одатда “олтин” ҳақида гапирилганида, аввало, унинг денотатив маъноси, яъни Менделев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сариқ-қизғиш тусли қимматбаҳо нодир метал; зар: тилла эканлиги кўзга ташланса, “қимматбаҳо”, “тенги йўқ” сингари коннотатив компонентлари ҳам мавжуд. Насрий матнда “олтин” сўзи орқали метафора ҳосил қилинганда, унинг “яхши идрок этадиган, яхши ишлайдиган бош, ўткир ақл; шундай бош, шундай ақл соҳиби” коннотатив ижобий баҳо муносабатини ифодалайди: ...бошқа бир томон қандай бўлмасин қалби меҳр-у муҳаббатга лиммо-лим тўлган бу деҳқон йигитининг **олтин бошини** омон сақлаб қолишга, уни қочиришга интилар эди. (“Қасоскорнинг олтин боши”, 236-б.).

Ушбу ўринда номинатив бирлик ифодалаётган коннотатив маъно у ифодалаётган атрибутив сифат белгиси билан ягона маъно ифодаласлиги кўзга ташланади. Коннотатив маънони юзага чиқаришда одатда, инсон ва уни ўраб турган атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар, нарсаларнинг номлари асос вазифасини бажариб келмоқда.

Насрий асарларнинг поэтик таъсирчанлиги шундаки, уларда миллий-маданий метафоралар воситасида кўтарилган мавзу фақат инсонгагина эмас, балки миллатнинг миллий менталитетини акс эттириши билан ҳар бир китобхон қалбини ҳаяжонга солади, уни ўйлашга, ёзувчи ички кечинмаларини ўзиникидек билиб, шу нуктаи назардан фикр юритишга мажбур қилади.

Хулоса. Тилнинг лисоний-маданий феномени саналувчи метафорик мазмун ифодаловчи бирликлар қисқартирилган, имплицит характердаги ўхшатиш бўлиб, шаклий ихчам ифодаланиш тарзи семантиканинг кенгайишига йўл очади, сўзловчининг ҳам тингловчининг ҳам лисоний имкониятини, тафаккур даражасини белгилайди. Метафора инсон психикаси билан узвий боғлиқ бўлиб, хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги яширин маълумотларни тиклайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. М.:Прогресс, 1990. –С.129.
2. Чудинов А.П. Динамика концептуальной метафоры в политической речи // V Житниковские чтения: Межкультурная коммуникация в когнитивном аспекте / Отв. ред. О.В. Демидов. Челябинск, 2001. С. 45.
3. Худойберганава Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 2015. -Б. 23.
4. Мусаева Ф. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. Тошкент, 2019. -Б.50.
5. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. Самарқанд, 2004. -Б.38.
6. Махсумова С. Метафоралар орқали коннотатив-прагматик маънонинг ҳосил бўлиши (Э.Воҳидов шеърлари мисолида). ЎТА, 2009, 5-сон, -Б. 94.
7. Арестотел. Поэтика. Л.,1927. -С. 39.
8. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика лингвокультурология. М., 2002. -С. 88.
9. Афанасев А.Н. Происхождения мифа. М., 1996. -С. 35.